

НАБИРА САРГУЗАШТЛАРИ

Ҳ а ш а р-қ и с с а

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг
«Ёш ГВАРДИЯ» нашриёти
Тошкент — 1978

СУЗ БОСИ ҮРНИДА

Бундан бир неча йил мұқаддам «Шарқ юлдузи» журнали бир хайрли ишга құл урганды. Редакция бир неча ёзувчими тақлиф қилиб ижодий ҳамкорлықда қисса яратиш фикрини ўртага ташлади ва шу ҳашар асосида янги бир бадий асар пайдо бўлди.

Ташаббусга кенг қанот деганларидек, «Гулхан» журнали ҳам мана шу хайрли ишни давом эттириб болалар адабиётида ҳашар асосида «Шум бола» типидаги шу кун пионер қаҳрамони образини яратишни синаб кўрмоқчи бўлди.

Шу эзгу ниятни отахон ёзувчилар муҳокамасига ташлади. Уларнинг розилиги ва кўмагида ўзига хос ижодий мусобақани бошлиди. Саргузашт қисса яратиш ижодий мусобақасига ҳурматли ёзувчиларимиздан Худойберди Тўхтабоев, Носир Фозилов, Шухрат, Мирзакалон Исмоилий, Ёқубжон Шукуров, Наримон Орифжонов, Латиф Махмудов, Фарҳод Мусажонов, Эргаш Раимов, Сафар Барноев, Ҳаким Назирлар иштирок этишди. Шундай қилиб турли характерга, ҳар хил ҳаёт тажрибасига: турлича тил, услубга эга бўлган, ёш жиҳатидан ҳам фарқланувчи 11 ёзувчи бирлашиб қисса яратишиди. Уни «Набира саргузаштлари» деб номлашди. Натижада болалар учун янги бир асар майдонга келди. Қиссанинг ҳар бир бобини журналхонларимиз сабрсизлик билан кутди. Асар тугагач, редакциямиз журналхонлардан 2000 дан ортиқ хат олди. Ҳар бир хатда: ...«Набира саргузаштлари» бизга ёқди, маза қилиб ўқидик. Агар у китоб бўлиб чиқса жуда ажойиб иш бўларди. Шундай китобларга ташнамиз...» деб ёзишди. Кўпгина хатларга бутун синф ўқувчилари имзо чекишган.

Қисса бадий томондан қандай чиққанидан қатъий назар, журналхон эътиборини қозондими, унинг қалбига илиқлик баҳш этдими демак, редакция ўз мақсадига эришди. Эндиғи навбат уни китоб ҳолида тақдим этишдан иборат.

Бу, «Гулхан» журнали билан нашриёт ҳамкорлигининг ilk қадами.

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

K $\frac{70803-172}{356 \quad (06)-78} \quad 7-78$

© «Ёш гвардия», 1978.



Худойберди ТЎХТАБОЕВ

Ш аҳарнинг чеккарогида «Қизил партизан» деган бир маҳалла бор. Ана шу унча обод ҳам, нообод ҳам бўлмаган маҳаллада унча новча ҳам, унча пакана ҳам бўлмаган, эндигина 13 ёшга тўлай-тўлай деб турган Рашид исмли бола яшайди.

Рашид ҳозир мактабдан қайтяпти. Ўйинга тушиб сакраб-сакраб келяпти. Гоҳо қўлидаги эски махсидек буришиб кетган қора папкасини осмонга отиб, энгашиб бўйни ё бели билан «илиб» олади, гоҳо кучук боладек вовиллаб, яхмалак ўйнаб юрган болаларни қийқиратиб қувиб қолади.

Э, борингки, бир ўзи бир кўча бўлиб келяпти. Нега десангиз, шу пайтда унинг қалби қувончу шодликларга лиммо-лим тўла. Ахир Рашид бу чоракда биронта ҳам фандан «икки» олмади! Ўзиям нуқул чорак якунларида «икки» олавериб, нақ юрагида юрак қолмаган эди-да. Мана бугун бўлса, иккинчи чорак якунида, ҳали айт-

ганимиздек, биронта ҳам «икки» чиқмади... Ҳозир бориб кундалигини аввал «Сендан одам чиқмайди» деб қўлини ювиб қўлтиғига урган ойижонига, кейин ишдан қайтиши билан дадажонига кўрсатади. Суюнчи бериб юборишлиари ҳам мумкин. Мабодо суюнчи беришса, электр паяльник сотиб олади.

Қандай яхши, қандай соз!

— Ҳой бола, тўхта! — деб югуриб қолди Рашид.

— Тўхтасам қулоғимдан чўзасан! — деб йиғлаб қочди бола.

— Бугун чўзмайман.

— Ҳо, алдайсан!

— Бугун алдамайман. Сенга кундалигими кўрсатаман, мана кўргин.

Йўқ, бола тўхтамади, афтидан Рашид илгари ҳам бир-икки қийнагангэ ўҳшайди — дод солиб қочиб қолди.

Рашид бошқа болаларни ҳам шу йўсин олдига солиб қувлагалча уйига етиб бориб, бундай қараса, кўча эшик берк. Қўнғироқни босмоқчи бўлиб тепага интилган эди, э-ҳа, айтгандай, қўнғироқни куни кеча қўшини маҳалладаги Одилжонга бир йўла тўрт хил рангда ёзадиган шарикли ручкага алмаштириб юборган эди-я... Эшикни дўмбирага ўҳшатиб чала бошлади. Хиёл ўтмай, ичкаридан синглиси Фариданинг:

— Ким у? — деган ингичка овози эшитилди.

— Аълочи аканг ўқишдан қайтди, — деди Рашид ташқарида туриб.

— Ойим эшикни очма деганлар.

— Нега очмас экансан?

— Телевизорни бузиссан-ку!

— Бузганим йўқ, предохранителини олиб Олимларникига қўйдик. Уларники ишлаб қолди, ишонмасанг бориб кўришинг мумкин.

— Бор, ўша Олимларникига бориб, телевизор кўриб ўтиравер энди.

— Оч деяпман!

— Очмайман. Ойи, Рашидни қаранг, эшикни тепяпти.

— Қани тепганим, чақимчи, этигимнинг қорини қоқяпман,— деди жаҳли чиқиб Рашид.

Санобар опа ишдан қайтса, телевизор яна бузилиб қолибди. Фарида бидиллаб ҳаммасини айтиб берди. Аввал бир тӯда болалар тӯпланишибди, кейин телевизорни ўртага олиб аллақаерларини галма-галдан бурашибди, охирида чувиллашиб, бир-бирларини итаришиб кўчага қараб югуришибди. Санобар опа тутоқиб кетди:

— Бу боланинг дастидан уйда на телевизор ишлайди, на радио! Магнитафонни-ку уч кун ўтар-ўтмас чаляжон қилиб қўйди. Эшикларнинг қулфи борми, мясорубка борми, ҳаммаси унинг дастидан ишга яроқсиз бўлиб ётибди. «Сен темир жинниси, шу ерга келгин, сочингни битталаб юлиб олмасамми?»— деб ютинди ойиси.

— Ойи, мана бунингизни қаранг, тилини чиқариб мени масхара қўляпти,— ўпкаси тўлиб, чинакамига йиғламсираб деди Фарида.

— Қани масхара қилганим, оғзимни совутяпман,— деб баҳона қилди яна Рашид.

Санобар опа қўлидаги тарашани орқасига беркитиб, кўча эшик томон секин-аста юриб кела бошлади. Эшикнинг тирқишидан мўралаб турган Рашид:

— Ассалому алайкум, ойижон, ишга эсон-омон бориб келдингизми?— деб сўради.

Ойиси эшикни қия очиб:

— Жуда одобли бўлиб қопсанми?— деди.

— Биз ҳамиша шунақамиз-да, ойижон!— қўлини кўксига қўйганча хавотирланиб кирди Рашид.

Санобар опа эшикни ичкарисидан қулфлаб, калитни чўнтагига солди.

— Ойижон, мени табрикланг!— деди Рашид қувончини ичига сиғдиролмай,— бу гал битта ҳам «шакки». олмадим, мана кўринг, мана!

— Икки олмадим дегин!—деб секин-аста ўғлига яқинлаша бошлади Санобар опа.

— Ҳаммаси «уч» бўлди, ойижон!

— «Гўрт-пўрт» ҳам олдингми?

— Уқитувчилар «уч», «тўрт»дан яхши дейишияпти.

— Дазмолни нима қилдинг?— фазабли овозини тишларининг орасидан чиқариб сўради ойиси.

— Мен унга янги спираль олиб келдим, мана ойижон! Яп-янги!!!

— Спирални қаердан олдинг?

— Мактабнинг қоровулидан.

— Бекорга бермагандир?

— Албатта бекорга бермайди-да. Мен, ойижон, қоровулга дадамнинг кўзойнагини олиб бориб бердим.

— Вой, шўрим! Аnavи олтин ҳаллигиними?



— Ушани, ойижон. Хафа бўлманг, дадамда ундан иккита-ку...

— Мана иккита!— Санобар опа қўлидаги тараша билан Рашиднинг бошига туширмоқчи бўлган эди, ўғли чап бериб қолди. Ойиси тутоқиб, жигибийрони чиқиб, мабодо Рашид қўлга тушса уни тириклайн кўмишга қасамёд қилиб, қўлига нима илинса Рашидга отиб, уни қувлашга тушди. Рашид бунақангидан тажрибаси ортиб қолган эканми, ҳовлини гир айланиб қочар экан, гоҳо тўхтаб ойиси яқинлашгунча фалати-фалати қилиқлар қиласар, яқинлашгач яна қочишга тушар эди. Охири, кўча эшик берк бўлгани учун устидан ошиб ташқарига чиқиб қугулмоқчи бўлди. Эшикнинг устига ирғиши билан ойиси ҳаллослаб келиб икки оёғига баравар тармасиб, пастга жон-жаҳди билан торта бошлади. Рашиднинг оёғида оғир карза этиги бор эди, икки поий ҳам ойисининг қўлида қолди. Ўзи бир сакраб кўчага тушди.

Рашид нима қилишини, қаёққа боришини билмай, кўча ўртасида узоқ туриб қолди. Пайпоқдан зах ўтиб, оёғи совуқ қота бошлади. Негадир аламдан йиғлагиси келиб кетди. Ҳаммасига мана шу чақимчи Фарида айбдор. Агар у телевизорни предохранителини олганини, кеча дазмол «ўзидан-ўзи» куйиб қолганини айтмагандан ойиси бунчалик тутоқмаган бўларди, эҳтимол суюнчи бериб юбориши ҳам мумкин эди. Суюнчига у электр паяльник олган бўлар эди... Мана энди бўлса ҳаммаси чаппасига айланиб кетди. Рашиднинг шу пайтдан чақимчи Фаридадан ўч олгиси, жуда боплаб ўч олгиси келиб кетди. Ҳўш, нима қилса экан? Эртага ойиси ишга кетганда, Фарида супурган уйга этиги билан кириб, ҳаммаёқни ифлос қилиб ташласинми? Иўқ, бу бўлмайди, бирпастда супуради-қўяди. Фарида ҳаммадан ҳам идиш-товоқ ювишни ёмон кўради. Айниқса, меҳмон келган кунлари жигибийрони чиқиб кетади... Борди-ю, ҳозир уйларига меҳмон айтиб келса-чи! Ҳа-ҳа, худди шундай қиласади! Бешта эмас, ўнта эмас, йигирмата айтиб

келади, йигирмата! Қамида йигирмата коса, 40 та тарелка, қанчадан-қанча қошиғу пичоқлар ишга тушади. Фарида йиғламсираб уларни юва бошлаганда Рашид қаршиисига ўтириб олиб, оёқларини чалиштириб ҳуштак чалади, муқом қилиб ўйинга тушади!

У Олим аканикидан бошлади.

— Хўш, ўғлим, тинчликми? — сўради Олим ака.
— Бизникига... Зиёфатга бораркансиzlар,— шошмасдан тушунтириди Рашид.

— Зиёфат, қанақа зиёфат?

— Билмасам... ойим қизил байроқ олгаига ўхшайди.

— Ишхонаданми?

— Шунақа шекилли.

— Қачон борар эканмиз?

— Ҳозир Осиёхонни ҳам олиб бораркансиzlар. Фарида билан ўйнаб келаркан.— Ойим орқамдан... қаттиқ тайинлаб қолдилар.

Шу йўсин яна тўққиз хонадонга кириб таклиф қилди. «Эр-хотин бормасаларинг, ойим билан дадам жуда қаттиқ хафа бўларкан» деб тайинлади.

Почтачи хола оғир сумкасини елкасига осганча Рашидинг ёнидан ўтиб қолди.

— Хола, менга ҳам хат борми?— леди Рашид.

Почтачи хола елкасидаги оғир сумкасини шошмасдан ерга қўйиб, қаддини ростлади:

— Сен бировга хат ёёсанг, сенга хат келади-да!— деб қўйди. Кейин қўлидаги бир даста конверт ичидан бирини танлаб Рустамларнинг почта қутисига ташлали.

Почтачи хола жўнаб кетгач, Рашид Рустамларнинг келган хатга қизиқиб қолди. Қизиқ, кимдан келди экан? Рустам ҳеч ким билан хат ёзишмасди шекилли...

Хат сал ғалатироқ, конверти ҳам бошқа конвертларга ўхшамайди. Тепасига катта-катта қизил ҳарфлар билан «Гулхан» деб ёзиб қўйилган. «Ў-ҳў, гапнинг зўри бу ёқда экан-ку»,— негадир севиниб кетди Рашид. Хатни очиб ўқий бошлади.



«Хурматли ўртоқ Рустам Қодиров!

Сиз «Гулхан» журнали қошида ташкил этилган «Қизил изқуварлар» клубига аъзоликка қабул қилиндингиз. Ўзингиз яшаб турган жойлардаги революция ветеранлари, гражданлар урушининг қаҳрамонларини излаб топиб, шахсан суҳбатлашсангиз, уларнинг ўлмас ишлари, кўрсатган жасоратлари ҳақида бизга ёзиб юборсангиз, маъқул топилғанларини журналимиз саҳифаларидага эълон қилиб борамиз...»

Рашид гоҳ елкасини қисиб, гоҳ бошини қашлаб, ўзинча бир қарорга келолмай ўйланиб қолди. Ажойиб хат экан-ку!

Рашид хатни чўнтағига солиб бошини шундоқ кўтарган ҳам эдики, юраги шиф этиб кетди... Ўн метр нарида бир нарсани сезгандай, кулимсираганча Рустам келарди! Рашид довдираб қолди.

— Ҳа, Рашид, нималарни ўқияпсан? — сўради Рустам ўртоғига яқинлашгач.

— Мен... мен... рус тилидан шеър ёдлаяпман,— дудуқланаб деди Рашид.

— Каникулнинг биринчи кунида-я?


— Мен учинчи чоракда астойдил ўқимоқчиман-да...

Оқ кўнгил Рустам унга ишонди.

Рашид бу сирни ичидаги сақлаганча уйига қайтди. Ҳовлига шундоқ қадам қўйиши билан меҳмонларга кўзи тушди-ю, бир севинчига ўн севинч қўшилди: ҳовли тўла бола, қизлар коптот ўйнашпти, ўғил болалар водопровод олдидаги яхмалак учишапти. Ичкарида эркагу хотинлар қийқиришиб, ўзаро чақчақлашиб ўтиришибди. Олдига ихчамгина фартуқ тутиб ўчоқ бошида уймалишиб юрган Фарида акасининг ёнига келиб:

— Уласан энди! — деди ваҳимали бир оҳангда.

— Ўзинг ҳам идиш-товоқларни эрталабгача ювиб қўймасанг, меҳрибон ойижонинг терингни шилиб баданингга туз сепади,— деди Рашид, кейин ичкарига — меҳмонларнинг олдига кириб кетди.



Носир ФОЗИЛОВ

Рашид билан Рустам эрталаб ўн бирлар чамасида Тошкент-Назарбек автобусига чиқиб, жойлашиб ўтириб олишди. Автобус ўрнидан қўзғолгач, Рашид теварак-атрофни бир оз томоша қилиб ўтирдида, кечаги бўлиб ўтган воқеаларни эслаб кетди...

Рашид ичкарига кириши билан «гур-р» кулги кўтарилиди.

— Оббо, Рашид тушмагур-эй,— деди тўрда ўтирган Олим ака паловдан ёё бўлиб кетган бармоқларини ялаб.— «Қулонмиди уюринг, тортармиди буюринг», деганлар. Бобонг раҳматлик шўҳроқ эди. Бобосининг неварасида... Хи-хи-хи...

Рашид бир дадасига, бир ойисига қарап, қаторга келиб ўтиришини ҳам, ўтирмасликни ҳам билмас эди, Меҳмонлардан бири луқма ташлади:

— Вой ичим-эй! Олим ака, Рашидга анави Назарбекдаги воқеани айтиб беринг. Бобосининг невараси бўлгандан кейин билиб қўйсин.

— Хи-хи-хи... Қайсини? Ҳалиги Тўланхўжа бойни боллаганинimi?

— Ҳа, ўшани...

— Хи-хи-хи... Бир куни десангиз... Иигирманчи йилмиди? Иигирма иккинчи йилмиди? Замон максум отряди Назарбекка борса...

— Рашид!!!

Бутун жисми қулоққа айланиб ўртада тикка турган Рашид ялт этиб орқасига ўгирилди. Қараса, эшикни қия очиб Фарида чақирияпти. Бир сирли гап борга ўхшайди. Рашид иккиланиб қолди: чиқай деса бобоси ҳақидаги қизиқ гапни эшитмай қоладиган, чиқмай деса Фарида кўрсаткич бармоғи билан имлаб чақирияпти; кулиб чақираётганига қараганда қизиқ гап борга ўхшайди. У эшикка чиқди:

— Нима дейсан?

Фарида шошмай ҳўл қўлларипи фартуфига артди-да. чўнтағидан бир қофоз олди.

— Бу нима?

Рашиднинг ранги оқариб кетди. У «Гулхан» журналидан Рустамга келган хат эди.

— Бу нима деялман?— жиддий сўради Фарида.

— Нима бўларди, хат-да... қани бу ёқقا бер?

— Тўхта! Қаёқдан олдинг?

— Нима ишинг бор сенинг?— деди Рашид сал паст тушиб.

Унинг паст тушганидан «хатни Рустамларнинг почтасидан ўғирлаб олган» гумон қилиб, Фарида баланд келди.

— Ҳозир Рустамга олиб чиқиб кўрсатиб шарманда қиласми, а?— деди.

Рашиднинг жон-пони чиқиб кетди. Аввал қўл кўтармоқчи бўлди, уйда меҳмонлар борлигини эслаб, ноилож ялинишга тушди:

— Жон Фарида, ўзимнинг синглимсан-ку, бу ёқقا бер...

— Бериб бўпман! Ҳали шошмай тур!

— Жон Фарида... Энди ёмонлик қилмайман. Улай агар, чин сўзим...

— Сенда чин сўз нима қиласди?— Рашид паст тушган сайин Фарида авжга минарди.— Мана кўрасан, хатни Рустамга олиб чиқаман-у... Ҳамма қилғиликларингни болаларга ёйман.

— Жон Фарида, ундай қиласма! Хатни бу ёққа бер. Ҳамма айтганингни қиласман...

— Ростданми?

— Рост!

— Ундай бўлса...— Фарида фартуғини еча бошлади. Рашид ҳеч нарсага тушунмай ҳайрон бўлиб турар эди,— Ма, мана буни олдингга тутиб, идиш-товоқларни юв!

— Кейин хатни берасанми?

— Йўқ, ҳозирча хат менда туради.

— Рустамга айтмайсанми?

— Айтмайман. Айтганларимни қилсанг.... Бўлмаса...

— Хўп, ювганим бўлсин...

Рашид фартуқни олдига тутиб, идиш-товоқларни шақир-шуқур қилиб ювар, бехосдан қўлга тушиб, бобоси ҳақидаги қизиқ ҳангомани эшитолмай қолганидан ачинар эди. Фарида эса, икки қўйини белига қилиб, унинг тепасида кеккайиб «ундоқ юв, бундоқ арт» деб буйруқ бериб турарди. Хуллас, Рашид ярим кечасига яқинлашганда ҳолдан тойиб йиқилди-ю, сўнг базўр қароватига эмаклаб чиқиб уйқуга кетди...

Эрталаб туриши билан ойисининг қош-қовоғига қаради. Худди ёғай деб турган булатга ўхшарди. У ичида: «Ёғадиган булат ахир ёғмай тинчимайди», деб ўйлади-да, ишини пишиқ қилиб юз-қўйлини ювиб кирди. ҳар эҳтимолга қарши, «булат ёғиб қолса, кечагидақа доғда қолмай» деб кирза этигини ҳам кийиб, чойга ўтирги. Бу маҳалда дадаси аллақачон ишга кетган эди. Столда ойиси, Фарида ва ўзи эди холос, улар индамай



ўтириб чой ҳўплардилар. Рашид кўз остидан ойисига разм солди: У негадир кўкариб кетган, асабдан бўлса керак, лаблари учар эди. Рашид қўрқиб кетди. Ҳозир бир гап айтиб, чалфитмаса бўлмайди.

— Ойи,— деди Рашид ниҳоятда мулоимлик билан,— бобомлар нима иш қилган экан Назарбекда?

Бусиз ҳам ўғлининг кечаги ўринсиз меҳмон чақириб, ташвишга қўйганидан ёрилай деб турган Санобар хола «пов» этиб ёнди кетди. Ёнига олиб келиб ўтирган эканми, ўқлоғи билан Рашиднинг бошига тушириб қолди.

— Мана бундай иш қилган экан, бобонг!

Рашид тўсатдан калтак зарбидан бирпас ўзини йў-

қотиб ағрайиб турди-ю, ойисининг яна ўқлоғини кўта-риб столни айланиб келаётганини кўриб, ура қочди. «Булут ёғди!»

— Сен яшшамагур, шошмай тур ҳали!

Хайрият кўча эшик очиқ экан, бўлмаса кечагидаقا девор ошаман, деб қўлга тушармиди! У шу қочганча ўпкасини қўлтиқлаб Рустамларникига борди. Эшик олдидиа бир оз нафасини ростлади, ўқлоғи қаттиқ теккан экан шекилли, башарасини бужмайтириб, бошини силаб кўрди, озгина фурра бўлиби. Сўнг қулоқчинини бостириб кийиб, дарвозани тақиллатди. «Яхшиям ойим урдилар. Бўлмаса уйдан қандай чиқардим. Жавоб бериб бўлти. Заб баҳона бўлди-да!».

— Сенми,—деди Рустам дарвозани очиб,—қаёққа?

— Назарбекка, биласанми, менинг бобом ҳам, Олим аканинг айтишича, Назарбекда урушган экан.

— Шунақами? Бўлти! Мен кийиниб чиқай...

Улар гражданлар урушида қатнашган боболарини суриштириб, батафсил билишга каникулдан олдинроқ аҳд қилишган эди.

Рашид мана шуларни кўз олдига келтириб, хаёл сурисиб ўтирас экан, Рустам унинг ўнг биқинига туртди. У шундагина автобусда келаётганини фахмлади. У, Рустам «анави мўйловдор амакига жой бер», деб туртди, деб ўйлаб шартта ўрнидан турди:

— Амаки, келинг, ўтиринг.

— Раҳмат, ўғлим, боядан бери қаёқда эдинг?— деди у пичинг билан.

Рашид ўпкадек қизариб кетди. Чунки автобус манзилга етиб келган эди. У бир катта иморат олдиди тўхтади. Рустам тушаётуб:

— Ана, бобомлар!— деб қолди.

— Узинг ҳам чолни кўрсанг бувам дейдиган бўпсан-да!— деб тўнгиллади Рашид.

— Улай агар, ана! Магазинга кириб кетдилар,—деди Рустам астойдил уни ишонтиromoқчи бўлиб.

— Майли, бўпти, юр...

Улар олдинма-кетин лой ва қотиб қолган қор уюмларини кечиб йўлнинг нариги чеккасидаги магазинга киришиди.

— Э, э, э... ўргилай. Келсинлар, келсинлар,— деди пештахта ортида турган элликлар чамасидаги тўлагина хушсурат, мўйловли киши тилла тишларини кўрсатиб илжаяркан.— Қодир ота, суюнчи чўзниг, мулла Рустам келдилар. Набирангиз.

Қодир ота бу маҳалда қийиқчасига икки-уч пачка чой, икки дона кир совун, йигирмата гугуртни боғлаб тугаётган эди.

— Ассалому алайкум, бобо.— Рустам бобосининг қўлини олди. Рашид ҳам салом берди. Қодир ота Рустамнинг пешанасидан ўпди. Уйидагиларнинг аҳволини сўради.

— Хўп келибсизлар-да, ўргулайлар, гиргиттонлар,— деди яна ҳалиги пештахта ортида турган хушсурат киши тилла тишларини кўрсатиб.— Бу йигитча ким?

— Маҳалламиздан, бирга ўқиймиз.

— Кимнинг боласисан, чирофим?— сўради Қодир ота.

— Нурмат аканинг,— деди Рашид.

— Қайси Нурмат?

— Анави «Қизил партизан» маҳалласидан,— Рашид Қодир отага тушунтира бошлади.— Илгари «Қора тош» маҳалласида яшаган. Замонали буванинг невараси бўламан.

Қодир ота «Ҳа-а, бўлди-бўлди...» деб бир оз турдида, бирдан қих-қихлаб кулиб юборди:

— Бобонг раҳматлик кўп қизиқ одам эди-да. Қих...

— Ким у Қодир ота? Мен тәнийманми?— гапга қўшилди магазинчи.

— Танийсан, мулла Жавлонхўжа, танийсан... Қих...— деди Қодир ота тугунини қўлига олиб.— у кишини танимаган одам борми? Казо-казоларнинг додии берган Замонали-да!

Бирдан магазинчининг ранги алланечук бўлиб кетди.
Қодир ота буни сездими ё йўқми:

— Қани, оппоқларим, кетди,— деганича ҳассасини дўқиллатиб магазиндан чиқди. Рустам дарров бобосининг қўлидан тугунни олди.

Назарбекнинг кўчалари паст-баланд, баъзи жойларга сув тўпланиб, музлаб қолган, кўчанинг кунгай тарафига офтоб тушиб эриб, лой бўлиб ётар эди. Зийрак Рашид йўл-йўлакай «ҳалиги магазинчи бобомнингномини эшитганда нега алланечук бўлиб кетди», деб ўйлар, ўзича бу гапнинг тагида бир сир борлингига ишонар, буни Қодир бободан сўрашга ийманар эди.

Кўча эшик ёнида уларни икки юзи қип-қизил, устида эгни-боши ҳали яп-янги бўлса ҳам у ер бу ерига лой сачраган, қулоқчинининг боричини орқасига боғлаб олган пучуқина бир бола илжайиб кутиб олди. Рустамнинг гапига қараганда, у бола бобосининг қўшниси, бояги магазинчи Жавлонхўжа аканинг ўғли экан. Улар салом-алиқдан сўнг Қодир бобонинг кетидан ичкарига киришди. Сарви хола неварасини кўриб хурсанд бўлганидан қаерга ўтқазишини билмай қолди. Қодир ота тугундан бўшаган рўмолни қоқди ва деди:

— Эди Рустамжон, менинг бир ерга бориб келадиган зарур ишим бор. Сенлар мана бу Сатторхўжа билан ўйнаб ўтиринглар.

Рашид ёшгина боланинг исмига «хўжа» қўшилганига таажжуб қилдими ё бу боланинг исми Саттор эканлиги учунми, унга ялт этиб қаради.

Қодир ота кетгац, болалар дарвоза олдига — куншувоқса чиқишиди. Анча вақтгача уларнинг гапи-гапига қовушмади. Рашид билан Рустам нима учун бу ёққа чиқишганини Сатторхўжага айтгилари келмади. Ахир бу иккаласининг сири эди-да!

Бир маҳал Сатторхўжа тилла суви юритилган чиройли соатига қаради:

— Юринглар, ~~бизнис~~ ^{нақхона} кига. Ҳозир мультфильм бошла-

нади,— деди ғалатироқ қилиб.— Телевизоримиз рангли...

Оддий телевизор бўлганида чиқишмас эдику, аммо Рашид билан Рустам рангли телевизор қанақа бўлишини ҳали кўришмаган эди, қаршилик билдиришмади, Сатторхўжанинг кетидан секин юришди. Ҳовлисига кириб оғзилари очилиб қолди. Ҳовлиси жуда катта экан. Бунақа жой Тошкентда бўлса, камида беш одамга участка бўлади. Бу чеккада данғиллама уйлар, айвонлар, у чеккада катта оғилхона, унинг ёнида узун бостирма, бостирманинг бир томонига сим тўрдан ўралиб товуқхона қурилган. Ичи тўла ғиж-ғиж товуқ... Ичкари уйга кирганда яна афрайиб қолиши: залда чўғдек гилам осиғлиқ. Бурчакда каттакон телевизор, нариги бурчакда «Ригонда» деган радиола. «Биз ҳам телевизоримиз бор деб юрган эканмиз-да. Мана буни телевизор деса бўлади. Буни қара, ўзиям «Электрон» деганидан экан», деб ўйлади Рашид. Темир-терсакка яқинлигидан бўлса керак, у сал бўлмаса бориб телевизорнинг мурватини бураб юбора ёзди. Сатторхўжа телевизорнинг кнопкасини босди, бирпас ўтгач экран бир ёришиб ўчди-ю, кейин ҳамма ранги ўз ўрнига тушиб, сурат пайдо бўлди. Рустам билан Рашид «Вуй-й» деб юборишиди. Улар берилиб кетиб, мультфильмлар тугаб, хоккей бошланганини ҳам сезмай қолишиди.

Бир маҳал эшик очилиб, бояги магазинчининг боши кўринди. У ҳа йўқ, ҳу йўқ, ўғлига ўшқирди:

— Нимага бу қаланғи-қасанғиларни йифиб, уйни ифлос қилиб ўтирибсан!— у шундай деди-ю, шиддат билан тўрга ўтириб, телевизорни ўчирди.— Борларинг, томоша тугади! Ҳе, шум болалар.

Рашид билан Рустамнинг оғзи очилиб қолди. «Қизиқ, боя «гиргиттонлар, ўргилайлар», деб турган киши шуми, ё бошқами?».

Улар аста-секин кўчага чиқишиганида аллақачон кун ботиб, тўрғайлар чириллаётган экан.



— Ҳа, чироғларим, ўртоқларингникида узоқ қолиб кетдинглар,— деди қаршилади уларни бобо.

Иккаласидан садо чиқмади. Чол ҳайрон бўлганича уларга қараб турганида, Сарви хола буғини бурқиратиб лаганда шилпилдоқ олиб кирди.

— Бу дейман, невараларингни сийлабсан-да, кампир,— деди у гўшти тўғрап экан.— Шилпилдоқ қилибсан.

— Яхши кўраман-да, тойчоғимни,— деди Сарви хола гул-гул яшнаб.

Шаҳар болалари эмасми, Рустам билан Рашид шилпилдоқ ўрталамасдан тўйиб, қўлларини артишди.

— Э-э-э! Олинглар, ахир! Бувинг сенларни деб қилди шунча овқатни,— деди Қодир ота астойдил,— Э, мазаларинг йўқ, шаҳарбаччалар. Е Сатторхўжа меҳмон қилдими, а?

— Йў-ўқ, ўзимиз тўйдик,— деди Рустам.

Рашид қўлини бўз сочиққа артар экан, энди гапириш мавриди келди, деб ўйлаб, Қодир отадан сўради:

— Бобо, бу... бизлар тушунмай қолдик. Жавлонхўжа aka қанақа одам ўзи?

Қодир ота ялт этиб болаларга қаради. Рустам билан Рашид унинг боя магазинда «Ургилайлар, гиргиттонлар», деб айланиб-ўргилгани-ю, кейин гап Рашиднинг бобоси ҳақида борганида бирдан ранги оқариб кетгани ва ниҳоят ҳалигина уйида қилган қўрслигигача айтиб беришиди. Чол тағии одатдагидек «қих-қих»лаб кулди.

— Аслида мендан хато ўтди, чироғларим,— деди у ҳам қўлини артар экан.— Рашидвойнинг бобоси ким эканлигини айтмаслигим керак эди.

— Нега, бобо?

— Негалиги шуки, Жавлонхўжанинг отаси Тўланхўжа Назарбекда энг катта бойлардан эди. Ўша йиллари ҳукуматга қарши одамларни уйида яшириб, пул, қурол билан таъминлаб турган, у хумпар. Бу сирни сенинг бобонг аскар тортиб чиқиб очган. Ўзининг ҳам

ажали бобонгнинг аскарлари қўлида экан. Бундан Жавлонхўжанинг хабари бор... У хумпар шунинг учун... бобонгнинг номини эшитиши билан...

Бу гап Рашид билан Рустам учун кутилмагандаги ноёб янгилик эди. Бирдан уларнинг кўзлари чараклаб очилиб кетди. Рашид шошиб-пишиб бобосини сўради.

— Яхши одам эди, раҳматлик. Кўп қизиқ одам эдида! Қих-х... Дарвоҳе, ану Гафур Гулом деган катта шир китоб ҳам ёзган-ку, «Шум бола» деб...

Рашидинг кўзлари мошдек очилиб кетди. Бу ҳам Рашид билан Рустам учун кутилмаган янгилик эди.

— Хўш-хўш?— дейишди иккаласи ҳам бараварига.

— Ҳа. Энди болаларим, мен гапга нўноқ одамман. Шаҳарда, Қоратошда бобонг билан бирга юрган Омон маҳсум деган киши бор. Ўшандан сўрасаларинг кифтини келтириб айтиб беради.

— Узингиз айтиб бера қолинг?

— Ҳа, жа қизиқиб қолдиларинг. Бир гап борми ўзи?

Рустам бу ёққа нима учун келганини, «Гулхан» журналининг топширигини оқизмай-томизмай айтиб берди.

— Э-э, шундай демайсанларми?— деди Қодир ота жиддий тусга кириб.— Энди болаларим, мен сенларга айтсам, чол одам хато қилиб қўйишим мумкин. Яхиси, буни ҳукуматнинг ўзидан сўранглар. Идораларда ҳужжатлари бор. Сақланган бўлиши керак. Қейин ўзимиз ҳақимизда ўзимиз гапирсак, мақтанган бўлиб қоламиз...

— Ие, сиз ҳам қатнашганмисиз, бобо?— деб сўраб қолди Рустам.

Қодир ота кулиб қўя қолди.

Болалар хурсанд эдилар. Бекорга келишмаган экан. Шунча нарсани билиб олишиди. Эҳтимол, шаҳарда ноёб ҳужжатлар топишар ҳали, балки...

Бу гаплар, ҳатто, кечаси Рашидинг тушига кириб чиқди. Эрталаб Рашид магазинчи «Шум бола» деганини

эслаб, унга шум бола қанақа бўлишини кўрсатиб қўймокчи бўлди.

У ўз режасини Рустамга гапириб берди.

— Қандай қилиб?— деб сўради Рустам қизиқиб.

— Кейин кўрасан... Бир боплаб адабини берамиз Жавлонхўжанинг. Иккинчи қўрслик қилмайдиган бўлади.

— Қў-е...

Улар нонушта қилиб бўлгач, йўлга тушишди. Худди шу пайт кўча бошида турган Жавлонхўжани кўриб қолишиди. Рашиднинг эсига бояги режаси тушиб, мияси яшин тезлигидага ишлаб кетди. У фалати йўрғалаб бориб Жавлонхўжага салом берди, у ўгирилиб бир қараб қўйди.

— Амаки, мени кечиринг,— деди иккала қўлини кўксига қўйиб.— Жон амакижон кечира қолинг...

Жавлонхўжа қаддини ростлади, башарасига сачраған лойларни артар экан, бир чеккага туфлаб сўради

— Сен бола, нима иш қилувдингки, мен кечираман?!

— Ану, чипор товуғингизни сўйиб қўйдим...

— Нега сўяр экансан!— Жавлонхўжанинг товуши ўзгарди.

— Анақа... томдан қа-қағлаб тушиб... анави бостирма тагида устунга боғлоғлиқ турган кулранг қашқани ҳуркитиб юбориб...

— Ҳуркитса чипор товуқни сўясанми, лаънати!

— Нега сўймас эканман,— деди Рашид ҳам товушини баландроқ қилиб,— бирдан юлқиниб, бостирма устунини тойдириб юборди-да!

— Кейин нима бўлди, жувонмарг?

— Кейин охурда курт-курт ковуш қайтариб ётган буқангизни том босиб ўлдирди.

— Вой, бўрдоқи буқам!— деди Жавлонхўжа инグラб.

— Саттор қаёқда эди, Саттор!

— Сатторхўжангиз ҳуркиган тойдан қочаман деб,

айвондаги тош ойнангизга бошини урволиб чил-чил қилди.

— Нима деяпсан ўзи, ҳароми? Бошини чил-чил қилдими ё ойнаними?

— Ойнани ҳам, бошини ҳам...

— Вой болам...— у юрагини чанглаб деворга сунганича ўтириб қолди.— Ўзи омонми?

— Ўзини ҳалиги сизга лой сачратиб кетган «Тез ёрдам» олиб кетди, амаки.

— Вой жувонмарглар... Сенлар нима қилиб юрувдинглар бизникida, а?

— Анақа, рангли телевизорингизни тузатмоқчи эдик.

— Вой... телевизор яп-янги эди-ку... Нима бало ортириларинг, яна?

— Анақа, яна яхшироқ кўрсатадиган қилаётувдик...

— Дард қилаётувдик! Нима бўлди? — деди Жавлонхўжа силласи қуриб.


— Анақа, орқасидан пов этиб олов чиқиб... Иўг-a, аввал пуф этиб тутун чиқди шекилли, а? — деб Рашид Рустамга ўгирилган эди, қараса Рустам тахта бўлиб қолибди. Шу билан гапни у тўхтатди. Бундоқ қараса, Жавлонхўжа ҳам пинакка кетган одамдек деворга суюниб жим ўтирас, аммо иккала кўзи очиқ, маъносиз, базур нафас олар эди...

— Юр кетдик, — Рашид Рустамнинг қўлтиғидан олди.

— Бу нима қилганинг, ўлиб қолса нима бўлади?— деди Рустам бўғилиб.

Рашид унга жавоб бермади. Автобус тўхтайдиган жойга қараб кетар экан, Рустамга қараб тиржайиб муқом қилди.

— Чаманда гул очилди-ё,
Чакангга тақ, чакангга!..



ШУҲРАТ

Кесакдан чақмоқ чиқиб, Рашид бугун ма-
тематикадан тўрт олди. Ўқитувчи ҳам қуво-
ниб кетди:

- Қалланг ишлайди, Рашид.
 - Албатта, ишлайдиганини танлаб олганман-да.
 - Нима, аввалгисини сотиб, бошқасини олдингми?
 - Йўқ, ўзини озгина ремонт қилдим: бир-икки винти сал бўшаб кетган экан, бураб қўйдим. Баъзи-
сини яхшилаб мойладим. Энди жойида!
 - Кўрамиз, — деди ўқитувчи.
 - Ишонаверинг!
 - Бу ёғини бўшашибириб юборасанми, деб қўрқаман.
 - Қўрқманг. Мурвати қаттиқ.
- Чиндан ҳам Рашид бу чоракни тузук бошлади. Ҳо-
зиргача «2»си йўқ. Лекин ўша-ўша тўполоичи. Охирги
қўнироқ чалиниши билан эшик қолиб, деразадан таш-

лаб қочади. Йўлда учраган боланинг портфелини палкаси билан уриб учирив юборади. Баъзан шаллангроқ боланинг қулогини чўзиб, «локаторнинг ишлаши қалай? Ҳиндистонни оладими?» деб чирқиллатади. Барни бир ҳали ҳам Фарида га кун йўқ. Биласизми, Фарида нинг расмга ҳаваси зўр, чизгани-чизган. Баъзан китоб журналларга қараб кўчиради. Ушангага ўхшатиб бўёқ беради. Мана куни кеча бир журналдан чиройли кийинган бир қизнинг расмини ўхшатиб ўз дафтарига кўчирди. Ҳатто ойиси, «Уста бўлиб кетибсан-ку, қизим», деб елкасига қоқди. Бундан яшнаб кетган Фарида расмни катта тош ойнага қўйиб қўйди. Ҳар ўтганида бир кўзи тушиб, ойисининг мақтовини эслайди. Кечаки мактабдан келса ана шу расмдаги қизга бирор мўйлов ясади, соқол қўйибди. Энди на қизга ўхшайди, па ўғил болага. Бу, албатта Рашиднинг иши. Фарида хафа бўлди, йиглади, ойисига кўрсатиб, арз қилди. Рашиднинг келишини кутди. У келди-ю, лекин тан олмади, тонди, ҳатто қасам ичди:

— Сен қанақасан ахир, қўғирчоғингнинг сочини сичқон кемириб кетса ҳам мендан кўрасанми?

— Бу уйга сендан бошқа ит ҳам кирмайди. Тўлаб бер!

— Кирмайди-я, кирмайди. Кечаки анави қақилдоқ ўртоқларингни йиғиб олиб ўтирувдинг-ку.

Шу маҳал ойиси келиб қолди, хеч нарса демаслан, Рашидни орқа ёқасидан ушлади. Лекин Рашид ундан олдин бидирлади:

— Ойижон-чи, ойижон, мен бугун мақтов олдим. Ҳали «икким» йўқ. Энди ота-оналар мажлисида қизариб ўтирамайсиз.

Она сал бўшашди:

— Ҳа, майли, буни қўя тур. Синглингнинг расмини нима қилдинг? Ака деган ҳам шунаقا бераҳм бўладими? Бечоранинг қанча вақти кетган эди.

Барни бир Рашид иқрор бўлмади. Тонди, баҳона топ-

ди. Онасининг қўлидан чиқиб қочди. Кўча эшик олди-га бориб, баланд келди.

— Мана, мана шунаقا қилиб одамни уйдан қувасизлар-да, тағин дарс тайёрламайсан, деб уришасизлар. Энди «икки» олсан айб ўзларингда!

— Сени ким қуваяти, тентак? — она ён босди.

— Сиз, анави жибилашибон, — синглисини кўрсатди.

— Тўғри юрсанг гап эшитмайсан, қочиб ҳам юрмайсан. Бор, уйга кир, дарсингни қил.

— Кириб бўбман. Ана, косовингиз эшикнинг орқасида турибди.

Она косовни олиб, ҳовлининг нариги бошига улоқтириди. Гўё шу билан «энди сени урмайман», ишорасини қилди:

— Дарсингни қил! — деди у Рашидга, сўнг қизига ўғирилди, — ўзинг расм солишга устасан-ку, қизим. Бошқасини сола қол. Энди аканг тегмайди.

Фарида пиқ-пиқ йиғларди. Рашид отдан тушса ҳам узангидан тушмасди.

— Бунисига ҳам мен текканим йўқ!

— Бўлди-бўлди! Оталаринг темирчи эмас, гапни чўзмаларинг.

Бари бир Рашид дарс тайёрлагани уйга киргани йўқ. Яна қанча баҳонани саржиндек тахлаб, гапни дўндириди-да, кўчага чиқиб кетди. Нариги маҳалладаги ўртоқлари билан ланка ўйнади.

Рашид мана шуларни ўйлаб, энди мактаб эшигидан чиқсан эди, Рустам келиб папкаси билан бир тушириди.

— Зўрсан, Рашид, ўқитувчига ҳам бўш келмайсан!

— Хўш, нега бўш келар эканман. Дарсини қойил қилиб қўйганимдан кейин нима ҳам дея олади. Ичим тўла гап-ку, шу лаънати «икки»лар дастидан бировга эшилиб оғиз очолмайман. Дарров баҳона пеш қилишади. Мана, энди, бундан буёқ эшитаверасан, теша тегмаганларидан эшитасан.

- Сайрайман, дегин?
- Бўлмасам-чи? Навоий ҳам гап билганидан шунча китоб ёзган-да.
- Шонр бўлиш ниятинг ҳам борми дейман?
- Йўқ. Қофиясьини келтиrolмайман.
- Бўлмаса ҳикоя ёз.
- Зерикиб кетаман. Яхшиси ажойиб машиналар ўйлаб топадиган бўламан.
- Конструктор, дегин?
- Топдинг, ичимсан-да, дўстим!
- Билсак бўладими, қанақа машина ўйлаб чиқармоқчисан? — ҳазилга олди Рустам. Рашид бирдан юрагидагини тўкиб солди:
- Шунақа машина бўлади-ки, унинг дастидан бирор ёлғон гапира олмайди, бир-бирини алдолмайди, ёлгондакам ваъда беромайди.
- Ие, жуда қизиқ-ку!
- Ҳа, масалан уни магазинга қўйилса, пул олаётганда харидорнинг кимлигини ва нима ниятда харид қилаётганини кўрсатиб туради. Агар харидор чайқовчилик мақсадида келган бўлса, пулини олади-ю, чекини бермасдан қизил чирофи пир-пир этиб ёнаверади. Ичкари уйда ўтирган милиционер олдидағи чироқ ҳам ёнади. Кўрибсанки, чайқовчи қўлга тушибди-да!
- Зўр-ку! — чиндан ҳам севинди Рустам.
- Мен топгандан кейин зўр бўлади-да, оғайни.
- Рустамнинг хаёлига бирон қизиқ воқеа тушдими, ўзича мийифида кулиб қўйди:
- Ҳа, нега жийда топган жиннидай жилмаясан. Машинам сенга ёқмадими? Нима бало, чайқовчилик қилиш ниятинг бормидн?
- Бу, Сатторхўжанинг уйидаги моллари эсимга тушиб кетди. Уйдаги молларини кўргандинг-а? Унга ўхшаганлар бўладиган бўлса, бу машинангни ҳам йўлдан оздиради, эвини қиласи.
- Эвини қилолмайди! — деди қатъий қилиб Ра-

— У шундай машина бўладики, на одамнинг сўзага қулоқ солади ва на найрангига учади.

— Қани эди шундай бўлса!

— Бўлади оғайни ишонавер. Бу калла ишлаганда астойдил ишлайди.

Унинг сўзини Рустам бўлди:

— Ишламаса ҳам астойдил ишламайди! Шундайми?

— Ҳа, айтганча, Рустам, кечаги масалани ечдингми?

— Математикадан берилганинimi?

— Ҳа.

— Енгил-ку. Ечолмадингми?

«Йўқ» дейишга Рашиднинг тили бормади:

— Ечишга ечдим-у, жавобига тўғри чиқмади.

Рашид Рустамдан «Машиналар кашф қиласидиган каллани яхшилаб ишлатиш керак, ўртоқ» деган маънода таъна кутган эди. Йўқ, у бундай қилмади, дўстона ёрдамини таклиф этди:

— Ҳали кир, бирга чиқарамиз.

Жавоб Рашидни жуда мамнун қилди. Уни қучоқлаб олди:

— Зап оғайнисан-да! Мана шунаقا тантлигинг учун сени яхши кўраман-да. Ке, ўша машинамни ҳам бирга кашф этамиз.

Рашид жуда талтайиб кетган эди. Буни Рустам фаҳмлади:

— Раҳмат, ўзингга буюрсин. Мен агроном бўлмоқчиман.

— Майли, лекин хафа бўлмайсан.

Улар бу маҳалда Қайковус бўйига чиққан эдилар. Мартнинг илк изғирини анҳор бўйидаги ялангоч толларнинг ингичка новдаларини минг оҳангга солиб ўйнатарди.

Рашид йўл четидан ёнгоқдек тош олиб, Рустамга деди:

— Ҳув ўша ковак толни пойлайми?

— Тегиб бўпсан.



— Мана кўрасан, — Рашид папкасини ерга қўйиб, бир кўзини қисганича ўша ковак толни нишонга олди. У шундай ҳафсала ва чираниш билан тошни отдики, тош толнинг четига тегиб бир томонга учиб кетди. Худди шу маҳал қайрилишдан чиққан чолнинг шундоққина оёғи остига бориб тушди. Чол ҳассасини ўқтабиб нималардир деди. Унинг сўзини на Рашид эшилди, на Рустам. Шундай бўлса ҳам Рустам уялганидан қочиб кетди.

— Қаёққа қочяпсан, ўзи зўрға келяпти-ку, сени қувармиди?

Рашид гўё гуноҳини ювмоқчи бўлгандек артистларга ўхшаб такаллуф билан энгashiб, ўша чолга салом берди:

— Узр отахон! Невараларингизга айтманг, уришиб қоламиз!

Рашид Рустамни қувиб етганда анҳор ёқасидаги қийчув устидан чиқди. У бундоқ қараса сувда бирор оқиб боряпти. Ҳамма ўзича унга нималардир дейди, лекин ҳеч кимнинг сувга тушгиси йўқ, сувдаги одам эса гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай оқиб бораради. Нима учундир у қўлидаги қора сумкасини қўйиб юбормас, жоним кетсаям сумкадан ажралмай, дегандек унга баттарроқ ёпишарди. Қирғоқдаги кишиларга бу ғалати кўриниб «Сумкани ташла! Суз! Үнгга суз! Чапга!» деган нидолар эшитиларди.

— Жони сумкада бўлса керак, — деди Рашид. У кўп ўйлаб турмасдан наридан-бери ечиниб пайпоги билан ўзини сувга отди. Аста сузиб бориб худди жўрттага қилгандек, ҳаммани ҳайратга solaётган қора сумканинг бир четидан ушлаб, ўзига тортди. Сумкага эргашиб бола ҳам тортган томонга келаверди. Соҳилга яқинлашгач, оёғи устида тикка туриб, оқаётган одамини қўлтиғидан олиб «Мана, тортинглар», деган ишорани қилди. Оққан киши аллақачон ҳушини йўқотган, оғзидан фарқ-фарқ сув келарди. Бир четга олиб ётқиз-

дилар. Рашид билан Рустам қай кўз билан кўрсинг-ки, у Сатторхўжа эди.

— Бу ёқда нима қилиб юрибди? — деди Рашид.
— Билмасам! — ҳайрон бўлди Рустам.

Улардан нарироқда кимdir сувда бола билан оқсан қора сумкани очган, ичидаги маблаги — 95-нчи кўк чойнинг икки-уч бўллагини баралла кўтариб ҳангома қиласади:

— Антиқа чой, 95 нинг айни ўзгинаси!

— Ҳеч қаерда йўқ-ку, қаердан олиб келаётган экан? — дерди ажабланиб аллаким.

— Чайқовчига топилади!

Кўпчиликнинг диққати ўлим чангалидан қутқарилган Сатторхўжада эмас, у қўлидан қўймаган қора сумкадаги талайгина кўк чойда эди...

Гапнинг қизиги кечқурун, қош қорайганда чиқди. Рашид энди Рустамнидан қайтган эди. Кўча эшик мушук тирнагандек ғалати тақиллади. Рашид «Бу ким бўлди?» экан деб ҳайрон бўлиб чиқса Сатторхўжанинг дадаси Жавлонхўжа. Лабида киши фашини келтирадиган бир илжайиш, ўзи сал такаллуф билан эгилган. Рашидни кўриши билан яна ҳам хурсанд бўлгандек, дарров қўлинни олди, ҳадеганда қўйиб юбормай ўғлини қутқаргани учун миннатдорчилик билдиради:

— Баракалла, азamat, Бобосининг набираси! Запсиз келиб қолибсиз, бўлмаса ўғлимдан ажралган эканман! Битта ўғлим-а! Вой, баракалла!

У ўз миннатдорлигини шунаقا қалаштириб ташланган эди-ки, охири Рашидга малол кела бошлади. У ўзини одам қутқарган киши эмас, балки гуноҳ қилган кишидек ҳис этди. Бу ҳолатдан қандай қилиб қутулишни билмас, эсанкираб туради. Ахир умрида ҳеч ким унга бунчалик эгилиб-букилиб, муте бўлиб миннатдорчилик билдирамаган-да!

— Қани уйга киринг, — деди охири Рашид.

— Йўқ, ука, шошиб турибман. Ўғлимнинг халос-

кори сиз эканлигингизни эшитдим-у, севинчим ичимга сиғмасдан, оёғимни қўлимга олиб чопдим. Минг қилса ҳам ота қадрдонларимизда. Ҳа, баракалла.— Жавлонхўжа яна сайраб кетди. Яна Рашид лоҳас тортди. Охирип Жавлонхўжа мақсадга кўчди:

— Ҳойнаҳой уйда ойингиз, дадангиз бўлсалар ке-рак?

— Дадам ҳали ишдаи келганлари йўқ.

— Майли келиб қоладилар. Мен келиб сизларни бозовта қилмай қўя қолай, яхши кунларингизда келарман. Сизда жиндак маслаҳатли гапим бор эди, Мирза Рашидбек.

— Майли, — деди Рашид ҳайрон бўлиб.

— Бир четга ўтсак.

Утган-кетганнинг қўзидан холироқ ерга ўтгац, Жавлонхўжа гап бошлиди:

— Мен сизни нима билан рози қилишимни билмайман, ука. От миндирсан кам, не илож, қурбим етмайди. Мана шу арзимас совғани олиб келдим.

Рашид ҳалигача гап сеҳрида қолиб пайқамабди. Жавлонхўжанинг қўлида сетка бор экан. Жавлонхўжа ундан қофоз қутига солинган чиройли ботинка олиб узатди:

— Кийиб кўринг, ука, сиғмаса алмаштириб бераман.

Рашид ишма қилишини билмас, унга сарп Жавлонхўжа қисташини қўймас эди. Жавлонхўжа худди мажбур қилгандек Рашидни бир четга ўтқазиб, ботинкани кийгизди. Худди шуни кутгандек, лойиқ келганидан қувониб кетди:

— Айни сизнинг размер. Ният холис-да. Қийинг. Тепиб-тепиб қийинг. Мен мингдан-минг розиман.

Жавлонхўжа Рашидинг қаршилигига қарамасдан ботинкани яна қутисига солиб, унинг қўлтиғига қистирди.

— Сиз хижолат бўлманг, Рашидбек. Битта ботинка

нимадеган нарса, орадан оқибат кўтарилилмасин, мәҳр-шафқат кўтарилилмасин.

Гапга уста, чаққон Рашид сеҳрланган одамдек финг дейёлмай қолди. Жавлонхўжанинг кейинги сўзларидан эса ўзига келиб, кўзи очилди, фикри тиниқлашиди.

Жавлонхўжа рандаланган тахтадек силлиқ қилиб гап бошлаган эди: «Ука, тирикчилик-тирикчилик! Бақтида сизларга ўхшаб ўқолмадик. Чаласавод бўлиб қолдик. Тузуккина ҳунар, касб орттиrolмадик. Шу бир дўконнинг кунжидаги мофор босиб, берганига шукур қилиб ётибмиз. Пешана шу экан». Рашидинг хаёлига Рустам билан Назарбекка боргани, Жавлонхўжанинг ҳашаматли қўраси ва рангли телевизори келди. Унинг дагдагаси қулоги остида янгради. Ана шунда Рашид ҳушёр тортди. Жавлонхўжа ҳамон жаварарди, энди ўзига яқин тутиб «сен»ларди:

— Энди, ука, ўзингдан ўтадиган гап йўқ: ўша Сатторхўжа қўлидаги арзимаган лаънати кўк чойни битта бемор ўртоғимга юборган эдим. Касали жуда оғир, кўк чой ичмаса бўлмайди. Сен уни бошқача тушунио, анча гап қилибсан. Үглим ҳаммасини айтди. Енидаги пули ҳам меники эмас, онасиники. Онаси келинлигидан тақиб келган чиқитқилик узугини муҳтоҷликдан бир дуогнасига сотган экан. Йўл-йўлакай шу пулни ҳам Сатторхўжа тушгур олиб келаётган экан. Унга менинг алоқам йўқ. Ука, ҳеч алоқам йўқ. Милицияга хабар бераман, дебсан, ундан қилма. Оворагарчилик кўпаяди. Майли, ўша нарсаларнинг ҳаммаси сенда қола қолсин. Биз розимиз. Онасини ҳам ўзим кўндириб қўяман. Бундан кейин бунақа бемаъни ишни қилмайди. Келишдикми. Рашидбек? Хўп, де, ука! Бу яхшилигинингни у дунё-ю бу дунё унутмайман!

— Қайси пул, қайси чой? Нима менда қолади?— ўзини тутиб олиб жиддий деди Рашид.

— Ўзингни гўлликка солма, ука. Сатторхўжанинг сумкасидаги чой билан ёнидаги пул-да.

Бирдан Рашид қаҳ-қаҳ уриб кулди. Унинг назарида Жавлонхўжа жуда паст тушиб кетган, ундан уялиш ёки тортиниш ўринсиз эди. Жавлонхўжа илонга тўсатдан йўлиқкан бақадек қотиб қолди.

- Нимага куласан, ука? Пул, чой қаёқда?
- Жойида.
- Жойи қаер? — Жавлонхўжани титроқ босди.
- Милиция, қаер бўларди!
- Иўғ-э! Ҳазиллашманг Рашидбек.
- Рост. Беҳазил.

Бир лаҳза энди нима қилишини билмай туриб қолган Жавлонхўжа бирдан ҳушини йигиб, бошини кўтарди ва Рашиднинг қўлтиғига минг бир тавалло билан қистирган ботинкани тулкидек чақонлик билан юлқиб олиб кўздан ғойиб бўлди.

Рашид ҳайрон бўлганича қолаверди.

* * *



Мирзакалон ИСМОИЛИЙ

Еру кўк шу қадар гўзалки, табнат бисотида-
ги бор жавҳарларини этак-этак қилиб сочиб
юборганми, дейсиз. Ҳа, шуичалар гўзал! Бехос қараб
қолсангиз, нақ кўзларингиз қамашиб, ёқимли ҳидлар-
дан бошингиз айланиб кетади. Март изғириллари илк
баҳор ҳавосида бўрқсиган юзларимизни беозор чимчи-
лаб ўтганига ҳам мана ўн кундан ортиб қолди. Бу ора-
да табнат барадла уйғониб, дараҳтлар қийғос гулга
кирди. Оёқларингиз остига, атрофларингизга қаранг,
ҳаммаёқ ям-яшил, теварагингизда зумрад майсалар
селкиллаб турибди. Балки одамларнинг баҳри-дили ба-
ҳор гулларидай очилиб кетиши шундандир. Ана улар

қишиш либосини ташлаб, енгил кийимларда роҳат қилиб юришибди!

Роҳат! Кийим-бошнинг енгил бўлиши-ку роҳат-а, лекин хулқ-авторнинг енгил бўлиши одамни ерга қаратиб қўяр экан. Халқимиз «бир мисқол кумушга бир ботмон тош керак» дейди. Магзини чаққан кишига бу жуда катта ҳикмат. Рашид мана шу ҳикматни эшитмаган, ё эшитса ҳам маъносига етмагаи. Бунинг маъноси шу: «Жиндек кумуш топдим, деб ҳовлиқма, ўпкангни бос! Бир ботмон тошдек оғир бўлсанг кумуш сеники. Борди-ю, бу эшикдан кириб, у тешикдан чиқиб кетадиган елвизак бўлсанг, хайр-маъзурингни қиласвер, кумуш қўлингдан кетади!».

Рашид аслида ёмон бола эмас-у, лекин унда мақтанчоқлик, қўл урган ишини тугатмай чала ташлаб кетиш касали бор. Рустам эса Рашиднинг бу одатини ёмон кўрнбигина қолмади, аксинча уни бу ёмон қиликдан қутқазишига ҳаракат қилди.

Шу мақсадда бир кун Рустам дўстини холи топиб: «Бемаза қилиқларингни ташла. Бирор бир нима деса қуруқ хашакдек лоп этиб ёниб кетасан», деган эди, Рашид дарров қийигига олди:

— Ҳа, мен билан бирга ёниб кетаман деб қўрқасанми, қўрқма, ёнмайсан, — деди.

Рустам анча вазмин, андишали бола. Шу учун бир қўлинин дўстининг елкасига ташлаб, гапни узоқроқдан бошлади:

— Бир куни математикадан «4» олганингда муаллимимизга айтган гапинг эсингдами?

Рашид бир нафас ўйланиб қолди. Қейин бирдан шарақлаб кулади:

— Э, ҳа, ҳалиги миямнинг винти тўгрисидагими?

— Ҳа, «бир-икки винти сал бўшаб қолган экан, қаттиқлаб қўйдим, мана энди жойида», деган эдинг-а?

— Ҳа. Десам нима бўпти?

— Ӯшанда винтларингни ё дуруст мойламагансан,

ё бўлмаса қаттиқроқ бурамагансан. Эски ҳолича қолиб кетган экан.

Рашиднинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Рустамнинг қўлини елкасидан шартта олиб ташлаб, ўшқирди:

— Нима учун?

Рустам дўстининг жаҳли чиққанини жуда яхши фаҳмлади-ю, шундай бўлса ҳам ўзини билмаганга олиб, қўлини яна Рашиднинг елкасига қўйди. Кейин жилмайиб:

— Шунинг учунки, дўстим, калласи жойида одамга ўхшаб иш тутмайсан, — деди.

Камчилигини айтсанг жириллайдиган болалар бўлади. Рашид ўшанақалардан. Дўсти гапини тугатмасдан ўдагайлашга турди. Рустамнинг қўлини жаҳл билан туртиб, қичқирди:

— Э бўр-э, сендақа калласи жойида билағондан ўргилдим!

У шундай деди-ю, чўрт ўгирилиб кета бошлади. Аммо Рустам қўймади.

— Ҳой, тўхта! — деди уни енгидан ушлаб. — Ҳали ҳамма гапимни айтмасимдан бошимни уриб ёргудай бўляпсан-у, айтганимда нима бўлади?

Рашид қараса, Рустам қўйвормайдиган. Шунинг учун тўхтаб тўнгиллади:

— Сендан гап қарзим йўқ эди шекилли?

— Сеники-ку йўқ, менини бор, айтмасам кўнглим тинчимайди, — деди Рустам босиғи билан. Кейин бор гапни тўкиб солди: — одам читтак эмас, чирт этиб бу шохга, чирт этиб у шохга қўнадиган. Лекин читтак ҳам шохдан шохга бекорга қўнмас экан. Шохлардаги, барвлардаги зарарли ҳашаротларни териб еб, дараҳтларни қуришдан, демак, ўлишдан сақлаб қоларкан. Эсингда бўлса керак, табиат дарсида ўқитувчимиз шундай деб ўқтирувдилар-а?

— Э менга ақл ўргатаверма кўп! Э, ўша читтакдан ҳам, сендан ҳам ўргилдим-у! — деди Рашид бўзариб.

Рустам дўстининг совуқ гапларига жаҳли чиқмай, аксинча, нашъа қилгандек, хахолаб кулди:

— Аммо сени гапга чиқарган-да! Гапда хонсан-у, ишда сувга тушган нонсан, елвизак! — деди у кула-кула.

Елвизак? Бу қанақаси бўлди? Лақабми? Лақабни ҳаммага Рашид қўйиб юрарди-ку! Рашиднинг кўзлари ғазабдан чақнаб кетди.

— Менга қара, — деди у, ғазабли кўзларини Рустамга тикиб, — елвизак деганинг нимаси!?

Рустам ўки мўлжалга теккан мергандек қувониб қиқирлади. Рашиднинг вужудидан муздек тер чиқиб кетди. Лақаб қурғур шунақа совуқ бўларканми, а?!.

— Менга қара, Рустам, анави йилтиллаб турган тишларингта жонинг ачиса, менга лақаб қўйма! — деди Рашид, оғзидан тупук сочиб.

Рустам мазахга ўхшатиб тиржайди:

— Мен қўйганим йўқ, синф қўйган.

— Синф қўйган?!

— Ҳа синф. Ҳозир синфимиз сени «елвизак полвон» дейди. Маъносини тушунтириб берайми, ё ўзинг тушундингми?

— Э, бор-э, сендақа лақаббозлардан куйдим-ку! Үзимнинг ота-онам қўйган чип-чиroyли отим бор — Рашидбек!

— Бошқаларнинг ҳам отларини ота-оналари қўйган бўлса керак-а, Рашид бек!

— Ота-оналари қўйганми, бувалари қўйганми, менинг нима ишим бор? Улар бошқа, мен бошқа...

— Ҳа, баракалла! Сен бошқа! Ҳамма бало шунда. Сен бошқаларга ўхшамайсан, бошқалар юрган йўлдан юрмайсан, бошқаларга ўхшаб иш тутмайсан! Чирт этиб у шохга, чирт этиб бу шохга қўнасан-у, читтакчалик ҳам фойда келтирмайсан. Қунт йўқ, қўним йўқ сенда! Елвизак, чинакам елвизаксан!

Рашид Рустамдан қўлини ювиб, қўлтиғига урди.

Дўст шунақа бетга чопадиган бўладиган бўлса, баҳ-
ридан ўтади-қўяди. Ахир ҳамма гапи ёлғон, қип-қизил
туҳмат-ку! «Бошқаларга ўхшаб иш тутмайсан»
эмиси!

— Рустам, оғзим бор деб валақлайверасанми! Ҳе,
сени қара-ю! Нима, бошқаларга ўхшаб иш тутмай,
оёғим қолиб, қўлим билан юрибманми?!

Рустам оғир уҳ торти.

— Кошкийди оёғинг қолиб, қўлинг билан юрсанг!
Одамлар кулиб қўя қолишарди. Йўқ, йўқ, шошма,
шошма! Ҳозир ҳаммасини айтаман. Эсингдами, тўр-
тинчи синфда ўқиб юрганимизда учувчи бўламан деб
қасамёд қилувдинг?

Рашид Рустамга эмас, нарёққа қараб тўғиллади:

— Қасамёд қилган эмасман, учувчи бўламан, деган-
ман.

— Кейин нимага айнидинг?

— Хоҳламадим, айнидим.

— Бешинчи синфга ўтганимизда қуёнчиликка иш-
кинг тушувди-а?

— Э, бир йил боқдиму, яна нима дейсан?

— Кейин уни ҳам ташлаб кетдинг, шундоғи?

Рашиднинг тили ғулдираб қолди.

— Шу... шу... шундоғ. Хархашаси кўп экан, ёқмай
қолди, ташладим.

— Майли, бу ҳам ёқмабди, ташлабсан. Журналист-
лик-чи, у ҳам ёқмабдими?

Рашид гап тополмай талмовсираб қолди.

— Қанақа журналистлик? — деди кейин, елкасини
қисиб.

— Ана холос, дарров эсингдан чиқибди-да! Олтинчи
синфга ўтганимизда журналист бўламан деб қанотсиз
учувдинг-ку!

Рашид бир бўзариб, бир қизарди, лекин айтган га-
пини бўйнига олмади. Ясама хаҳолаб ўртоғининг елка-
сига бир мушт урди.

— Э, омон бўл, шу гапга ҳам ишониб юрибсанми!
Бир айтдим қўйдим-да.

Рустам бўш келмади.

— Ундоғ бўлса, нимага Назарбекка бордик! Гапир,
нега фиқ этмайсан?

— Э, қўйсангчи шу гапларни! Бошқа гапдан гапир.

— Йўқ, аввал бу қилмишингни ҳам бўйнингга ол,
кейин бошқа гапга ўтамиш. Ҳой, бобонгнинг инқилоб-
даги ишлари тўғрисида материаллар тўпламоқчи, «Гул-
хан»га қулинг ўргилсин битта мақола ёзмоқчи эдинг.
Шу мақсадда Назарбекка борувдик, баъзи нарсалар
йиғувдек, анча овора ҳам бўлувдик-а? Мақолани эса
ёзмадинг. Нима учун?

Рашид калласини кўтаролмай қолди.

— Ёқмади, ёзмадим.

Рашид бира тўла ерга кириб кетди. У ўзини ўнглаб
олишга улгурмай, Рустамнинг янги зарбасига дуч
келди.

— Майли бу гапларни бир ёққа қўйиб турайлик.
Менга қара, ёмон ниятли одамларни қўлга туширади-
ган антиқа машина ўйлаб чиқармоқчи эдинг-а? Ҳўш,
буниси нима бўлди? Ё ундан ҳам кўнгиллари совуди-
ми?

Рашид мундоғ ўйлаб қараса, ўзида анчагина айб
йиғилиб қолган экан. Очиқ тан олишга ғурури йўл қўй-
мади. Бунинг учун аламини ичига ютди, лекин узоқ чи-
даб туролмади. Кимгадир заҳрини сочиши, кимдандир
аламини олиши керак эди. У бир сакраб боши устида
гуллаб турган шафтолининг каттакон шохини синди-
риб олди. Худди бирор бармогини синдириб олгандек
Рустамнинг жони оғриб кетди. Энди сўзга оғиз жуфт-
ловди-ки, кўчанинг нариги бетида автобус кутиб ўтирган
чол ҳассасини дўқиллатиб келиб, Рустамни койий
бошлади.

— Ҳой, ноинсоф! Бу бечора сени есин деб ширин-
шарбат мевалар тутса, баҳорда баҳринг очилсин деб

мана шунаقا гуллаб турса-ю, сен ноинсоф, раҳминг келмай, шохини синдириб ўтиранг-а! Бай-бай-бай! Ҳой, тұхта, ноинсоф, сен ҳам мактабда ўқыйсанми? Сен ҳам пионермисан? Қайси мактабда ўқыйсан? Бир бориб домлангга айтай, таъзирингни бериб қўйсии!

Рашид қўлидаги шафтоли шохини кўчага иргитиб, мактабини айтмай қочиб қолди. Шу қочганича тўғри уйнга келди. Ойиси қишига сақланган сабзини ўрадан олиб чиқиб ташқарида саралаётган экан. Рашидинг ҳаллослаб кирганини кўриб қўрқиб кетди:

— Ҳа, нима бўлди? Орқангдан бўри қувладими, на-мунча?

— Ҳалиги-чи, ойижон, кўчада ўртоғим Рустам билан-чи, ўйнаб юрувдим, ердан чиқдими, кўкдан тушдими — билмайман, қулогимга бир овоз келиб урилди. Ўзимам овоз заптидан гурс этиб йиқилиб кетаёздим.

Ойиси ишона қолмади албатта.

— Йўғ-е, овозмасдир, калтакadir.

— Йўқ, ўлай агар ойижон. Овоз нима деди, денг?

— Нима деди?

— Ҳой ноинсоф, ойинг бечора қийналиб сабзи саралапти сени есин деб. Сен бўлсанг, ойингга раҳминг келмай, бу ёқда ялло қилиб юрибсан. Чоп, қўлидан ишини ол, деди. Ишни беринг, бу ёгини ўзимиз қойил қиласиз.

Рашидни бир қоп ёнгоқ, шўх, ҳатто шум дейишса ҳам, лекин ўзи тўғрисида айтилган яхши гапларни ҳам, ёмон гапларни ҳам ақл тарозусига солиб тортадиган одати йўқ эмас. Мана ҳозир ҳам сабзи саралаб ўтириб, Рустамнинг гапларини ўлай бошлади.

«Уша ўғри тутар машинадан ҳам кўнгиллари совидими?» деб мазах қилди-а? Йўқ чучварани хом санабсиз, оғайни. Рашидбек баҳорги каникул кунларини бекорчилик билан ўтказгани йўқ. Машина бугун бўлмаса, эртага тахт бўлади. Қеракли икир-чикирларини жамлаб қўйганмиз, ҳа! Фақат икки кун, узоғи билан уч кун

сабр қиласиз, полвон йигит. Ана кўриб турибсизки, машина турйиллаб юриб кетибди-да!».

Рашид сабзини саралаб ҳам бўлди-ю, миясида қайнаган ўйлар ҳам ниҳоясига етди. Энди у ўйларини бажаришга қарор қилди. Баъзи ота-оналар ҳали туғилмаган болага от қўйиб қўйишади. Рашид ҳам ҳали тайёр бўлмаган машинасига «РН-74» деб ном берди. Бунинг маъноси Рашид Нурматов 1974 йилда ишлаб чиқарган ўгри тутар машина эмиш. У кўнглидан шу фикрни ўтказди-ю, ўзидан ўзи нашъа қилиб кулиб юборди. Нарёқда иш қилиб юрган ойиси ўғлига ажабланиб қаради. Рашид ҳовли саҳнида ирғишлиб ҳамон куларди.

— Ҳой, жинни-пинни бўлдингми? — деди ойиси, энсаси қотиб.

Рашид ойисининг ёнига ирғишлиб келиб қўл чўзди.

— Ойи, ойижон, суюнчи беринг, суюнчи!

Ойисининг ҳайрати янада ошди:

— Вой ўлмасам, нима бало, лотереянга «Москвич» чиқибдими? Намунча ҳовлиқмасанг, болам!

— Э ойижон, «Москвич» ҳам гапми! «Волга» ҳам ип эшолмайди менинг машинам олдида! Ҳа, дамингизни чиқарманг.

— «Волга»дан катта яна қандай машина бор? «Чайка»ми? Йўқ, «Чайка» лотереяга қўйилмайди. Ё иситмаси чиқиб жовраяптими, а? — Ойиси келиб, Рашиднинг пешанасини ушлаб кўрди. Йўқ, иссифи жоийда.

— Кўп вайсайверма, бор дарсингни қил.

Рашид уйига дарс қилгани эмас, отасининг устахонасига машина ясагани кириб кетди. Бу тор, узун устахонанинг ичи турли-туман асбоблар, радио, электр, магнитофон деталлари, эски пойабзаллар солинган яшиклар билан тўлиб кетган эди. Рашид икир-чикирлар ётган стол ёнига келиб ўтирди. Аммо ишини нимадан бошлашини билмай боши қотиб қолди. Асли



«РН-74»ни ясамоқчи эди, лекин қандай ясайди, аппарат нималардан таркиб топади — билмас эди. Бошини қўлига суяб, узоқ ўйланиб ўтирди. Бир маҳал ўрнидан сапчиб туриб калишлар солинган яшикни ковлаштира бошлади. Ичидан мөгор латтага ўроғлик бир нимани олиб келиб, стол устида очди. Бу автомат телефоннинг симидан кесиб олинган трубкаси эди. Йораги бир шувиллаб кетди. Қейин отвёрка билан у ёқ-бу ёғини бураб, мемранасини чиқарди. Лекин уни қаерга қўйиншини билмай, боши қотиб ўтириб қолди. Йўқ, буни Рашиднинг бир ўзи эплаёлмайди. «Ёш техниклар» тўгракларида қатнашаётган ўртоқлари билан, масалан, Рустам билан маслаҳатлашмаса қилолмайдиганга ўхшайди.

Касал тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келармиш. Қаранг, Рашид «Рустам билан маслаҳатлашаман» деб энди отланган ҳам эдики, Рустамнинг ўзи келиб қолса бўладими? Вой, Рашид шунақаям суюнди, шунақаям суюнди-ки, э, қўйинг, асти сўраманг. Рашид боя кўчада еган дашномларини ҳам эсдан чиқариб, дўстини маҳкам қучоқлаб олди.

— Кўнглим бўлиб кет-э! Ҳозир олдингга бораман деб турувдим.

— Дўстининг кўнглидағини сезмаган дўст, дўст бўптими! — деди Рустам ҳам, ўртада ҳеч қандай гап бўлмагандек очилиб.— Ия, ўғри тутар тайёр бўпгику! — деди столда уюлиб ётаги нарсаларга кўзи тушиб.

Рашиднинг чеҳрасида қувонч эмас, ўқинч аломати кўринди. Шунинг учун суст, ўлимтик товушда:

— Қаёқда? Ақлим етмаяпти, маслаҳат бермасанг бўлмайди шекилли, дўстим, — деди ялингансимон.

— Маслаҳат? Жоним билан, лекин сенинг ақлинг етмаган нарсага меники етармиди?

— Етади! Сен ҳар ҳолда, Рашид эмас, Рустамсан-ку.

— Ол-а! Роса мақтавординг-ку. Қўй бунақа гапларни, ундан кўра схемангни кўрсат.

— Қанақа схема?

— Ясадиган аппаратингнинг схемаси-да.

— Схема йўқ.

— Ана холос! Схемасиз аппарат ясалар эканми!

Шу-да, «Ёш техниклар тўғарагига қатнаш», деганимда чап бериб кетувдинг, мана биринчи қадамингдаёқ қоқилиб қолибсан. Хўш, нима қилмоқчисан, нимала-ринг бор?

Рашид йиққан нарсаларини кўрсатди. Шулар орасида трубка ҳам бор эди. Рустам уни кўрди-ю, бир сакраб тушди.

— Автомат-телефон трубкаси-ю, бу? Қаердан олдинг?

Рашид аввалига индамади, кейин алланималар деб мингиллади.

Рустам қадрдон дўсти олдида эмас, жуда ёмон кўрган душмани олдида тургандек, нафратга, ғазабга тўла бир товуш билан қичқириди.

— Ўйлаб кўр, бир мурғак бола ё қари чол уйида касал ётибди. «Тез ёрдам» чақиргани чиққан одам трубкаси кесилган аппарат олдида қандай аҳволга тушаркин? Бемор бечора азобланса, бунинг гуноҳига ким қолишини ўйладингми? Тур! Трубкани ол! Тегишли жойга ўз қўлинг билан элтиб берасан.

Рашид одатида йўқ бир итоат билан ўрнидан турди.

* * *



Ёқубжон ШУҚУРОВ

Рашид ваъдасини бажариш ниятида трубкани олиб, тӯғри шаҳар телефон хизмати идорасига борди. Лекин кимга учрашини билмай коридорда туриб қолди. Бирдан ўнг томондаги хонадан ғовурғувур эшитилди. Рашид эшикни секин қия очди. Хона тўла одам. Рӯпарада ўтирган мўйсафид Рашидни кўриб «Киравер ўғлим, киравер!» деди. Рашид кириб салом берди. Гапни нимадан бошлишни билмай трубкани кулимсираб турган мўйсафидга узатди. Мўйсафид ҳайрон гоҳ трубкага, гоҳ Рашидга боқди.

— Ҳалиги...— деди Рашид дудуқланиб. Ота унга ёрдам бериш учун «ҳа, билдим, билдим, биронта бебош

боладан тортиб олгансан-а? Топдимми?» деди. «Бебош» сўзини эшигандан кейин Рашидинг лавлагиси чиқди. У гапиролмай қийналди:

— Йўқ, ҳалиги билмай ўзим...

— Э, ҳа! Билмай ўзинг кесиб олганмидинг? — деди ота ажаблангандек. Хонадагилар ҳам Рашидга қараб қолишиди. Рашид «кечирасизлар» деб ерга тикилди. Ота бирдан:

— Раҳмат, ўғлим! «Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир». Мард одам шунаقا — айбига иқрор бўлади. Баракалла! — деди.

Рашид мустарликтан бир оз қутулди. Ҳатто «мард» сўзидан қувонди ҳам. Ота хонадаги ёш-ялангларга бир қараб қўйиб, салмоқ билан давом этди:

— Билиб қўйган яхши, сизлар ҳам эшигинглар, йигитлар. Мен иккам тўқсонга кирдим. Аммо тетикман, бардамман, кўриб турибсизлар. Нега? Бунинг сабаби бор, албатта. Абу Али ибн Сино «Қулоқ солурлар ақли расолар донолар сўзига. Табиб бўулурларки, алар ҳамиша ўз-ўзига» деган экан. Мана бу яхши бола ҳам ўзига табиб бўлиб, ярамас битта иллатни даволабди. Қўп яхши иш қилдинг ўғлим!

Рашид эса ўйга толди: «Ҳозир-ку яхши иш қилдим. Аммо кечаги дараҳт синдирганимни бугун мактабга бориб директорга айтсам нима бўлади?..» Рашидинг хаёлинى ота бўлди.

— Ҳаммангизга маълумки, ғам ёмон нарса «Ғам юки тоғдан оғир» деб халқ бежиз айтмаган. Ғам одами бевақт қаритади. Иккинчиси, хавотирлик. Хавотир бўлиб яшаш — қил устида, нина устида яшашдек гап. Бундай одамнинг на емнш-ичмишида ва юриш-туришида ҳаловат бўлади. Қисқаси хавотирлик — умрнинг эгови. Рашид бўлса хавотирликдан қутулди.

Рашид отанинг гапларини ўртоқларига ҳам гапириб бермоқчи бўлиб хайрлашди. Лекин у ҳовлиқиб мактабига етганда икки қизнинг олдида кетаётган ке-

чаги мўйсафидни кўриб қолди. Таққа тўхтади. «Уша одамми, бошқами?» деб илгарироқ юриб ён томонидан қаради. «Уша чол! Об-бо! Юрагимни сиқмаган энди шу қолувди!» — деди Рашид ўз-ўзига. — Бу эзма чол албатта директорнинг ёнига киради, шохни синдирганимни айтади. Дадамни чақиришади. Балки линейкада...

Рашид орқасига тисарила бошлади. Тўсатдан синфдошига урилди.

— Эй! Кўзингга қарасанг-чи!

— Кечир, оғайни! Билмабман! Анави чолни танийсанми?

— Бўлмасам-чи! Дириекторимизнинг отаси-ку...

Рашидинг нафаси ичига тушиб кетди. У папкаси-ни синфдошига бериб қочиб қолди. «Ана шуни ғам, хавотирлик дейдилар!» деб хаёлидан ўтказди у.

Рашид кўчага чиқиб, қаёқса борншини билмай, ўй суриб трамвай томон йўл олди. Шунда лоп этиб Себзордаги холаси ёдига тушиб қолди. Трамвайга чиқди. Лекин у дарсини ташлаб, бебош юришнинг оқибати нима бўлишини ўйламас эди.

* * *

Нурмат ака ишдан келса ҳовли ҳувиллаб турибди. Ҳайрон бўлди.

— Ие, тинчликми? — деб юборди Нурмат ака ойнавон айвон эшигини очиши билан Санобар опанинг кўзи ёшли, Рашид билан Фаридани ғамгин кўриб:

— Бизникида қачон тинчлик бўлган эдики, энди бўлсин! — деди она эзилиб, — ўзингиз яхши келдингизми?

— Ҳа. Иш катта. Улкан мажбуриятлар олдик! Нима гап ўзи?

Санобар опа эрига эргашиб ичкари хонага кириб кетди.

— Ана энди адабингни беришади! — деди Фарида акасига.

— Учир овозингни, захча! — Рашид спнглисининг пешанасига туртди. Яхшики, бу гапни отаси билан онаси эшитмади, йўқса яна гапдан гап чиқарди. Шусиз ҳам Рашиднинг бошида ҳозир тегирмон тоши юргизишмоқчи — онанинг фифони фалакка чиқа бошлади:

— Ахир, бу болами, баломи!? Ҳозир шунаقا, эртамас-индин...

— Нима гап? — сўради ота.

— Гўё ҳеч нима билмайсиз?

— Биламан! Шўх, тўпалончи, тиниб-тинчимас!

— Тиниб-тинчимаган? Одаммас у!

Фарида «эшитаяпсанми, сен одаммассан», дегандек ичкарига имо қилди. Рашид синглисининг юзига шапалоқ билан ургудек қўл силкиб, ичкаридаги гапни эшитди. Ота деди:

— Шошма, қуюлиб қолади! Ҳали бир одам бўлсинки, ҳамма ҳайрон қолсин!

— Нима, нима? Ҳамма ҳайрон қолсин? Ўзингиз одаммас...

Рашид отасининг сўзидан суюнганидан ичкарига кириб борди. Эр-хотин ҳайронлик билан бир-бирларига қарашди.

— Ким чақирди сени?! — деди ота қовоғини солиб. — Чиқ! Кетиб қолма!

Рашид бош эгиб орқасига қайтди. Фарида «ажаб бўлди» дегандек пиқ этиб кулиб қўйди. Рашид эшик яқинида тўхтаб муштини Фаридага кўрсатди. Ота хотинидан сўради:

— Хўш, ўзи нима гап? Нимага йиғлаяпсан ўзинг?

— Боягина Жавлонхўжа аканинг хотини, мен билан бирга ўқиган Барнохон келиб кетди. Тергов бошланибди, уларни алгов-далгов қилаётган эмиш, нима қилишларини билмай яна маслаҳатга келишибди, шўрликлар!

— Ҳа! Ҳар ҳолда яхши бўлмади! Улар ҳам беш бармоқни оғзига тиқмай, тўғри ишласа ўладими? Айтганча мактабга нимага чақиришибди?

— Шанба куни мактабга бутунлай бормапти? Уйга ҳам кеч келди.

— Қаерда экан?

— Сўранг! Менга айтмаяпти. Айтсам ишонмайсиз, урншасиз дейди.

— Рашид! — жаҳл билан чақирди Нурмат ака.

— Ана энди кўрасан, — деди Фарида акасининг орқасидан эргашинб кирав экан. Рашид бош эгиб остоана-да тўхтади.

— Қани ростини айт-чи, — деди ота сўроққа тутиб. — Шанба куни нега мактабга бормадинг?

— ...

— Гапир!

— Холамникига борувдим. Қетатуриб, йўлда Рус-тамни кўриб қолдим.

— Рустам борибдику мактабга, уятсиз! — деб қич-қирди она.

— Ўзингни бос! — деди ота хотинига. Сўнг яна Ра-шидга ўгирилди у. — Гапир у ёғини!

— Бозорда Рустам иккаламиз киссавурларни кўриб қолдик. Кўз ўнгимиизда бир дәҳқоннинг пулини шилишди. Атрофни излаб милиционер тополмадик. Олағовурда Рустамни йўқотиб қўйдим.

Шу дам дарвоза қўнғироғи тўхтовсиз жиринглай бошлади. Ота Фаридага имо қилди. Кўп ўтмай газета ушлаган Рустам кириб келди. Ўғоят хурсанд эди.

— Суюнчи беринглар! Суюнчи! — деди Рустам газе-тани ўйнатиб. — Мактабимииздан қаҳрамон чиқди!

— Қанақа қаҳрамон? Ким экан у? — тушунмай сў-ради Нурмат ака.

— Ўғлингиз! Рашид! Рашид!

Ота-она ажабланиб бир-бирларига қарашиб.

— Нималар деяпсан ўзинг, Рустам? — деб сўрашга мажбур бўлди Санобар опа. — Эсинг жойидами?

— Бўлмасам-чи! Ишонмаётган бўлсангиз, мана, ўқинглар!

Нурмат ака Рустамдан газетани олиб сарлавҳаларга кўз югуртира бошлади. Унинг ёнига яқинлашган Фарида билан Санобар опанинг кўзлари ҳам газетага қадалди.

— Мана, «Қаҳрамон пионер» деган сарлавҳани ўқинглар! — деб яқинлашди Рустам. — Алишер Наувий номли мактабнинг бешинчи синф ўқувчиси Рашид Нурматов ўзининг кўрқмас, сезгир ва матонатлиги билан бир гурӯҳ ўғри-киссавурларни фош этиб, уларни қўлга туширишда милицияга катта ёрдам кўрсатди...

— Ана, ойиси! Энди хурсандмисан ўғлингдан? — деди Нурмат ака. Она эътиборсизлик билан «жуда» деб қўя қолди.Faқат Рустам билан Нурмат ака ғоят хурсанд әдилар. Нурмат ака ўғриларни қандай фош қилганини ўғлидан сўради.

— Ушлаб берай десам, милиционер тополмадим, индамай кетаверай десам, у муттаҳамлар яна қанча одамни қақшатади. Биттасига маҳкам ёпишиб одамларга айтай десам, оғзи бурнимни қонга белайди, деб чўчидим. Хуллас, милиционер кўрингунча орқаларидан қорама-қора пойлашга аҳд қилдим. Улар бир магазинга кириб, калош олаётган бир хотинни шилишди. Сўнг бири иккинчисини туртиб ташқарига чиқиши. Мен ҳам чиқдим. Бирдан биттаси орқамдан келиб оғзимдан ғинппа бўғиб эшиги очиқтурган машинага отиб юборди. Машина ичидаги икки йигит мени маҳкам ушлади. «Финг десанг, ичагинг осилиб қолади!» — деб дўқ урди. Мен ҳушимни йиғиб, «ишим чатоқ бўлди, энди ҳийла ишлатмасам бўлмайди!» дедим-да, уларга қараб кулдим: сочи паҳмоқ йигит қарс этказиб юзимга шапалоқ тортиб юборди. Кўзим тиниб кетди. Лекин яна кулиб туравердим!

— Кулмай ўл! Кулмай! — деб юборди Санобар опа ўзини тутолмай. — Додламайсанми?! Ёрдамга чақирмайсанми?!

— Ўзингни бос! Рашид тўғри қилган! Давом эт ўғ-

лим! — деди Нурмат ака меҳр билан. — Кейин нима бўлди?

— Ҳайда! — деди мени урган. Машина қўзғалди. Қаёққа кетяпти, билмайман ҳам, кўчани кўрмайман ҳам. — Нега орқамиздан итдек эргашиб қолдинг? — деб сўради бўйнимдан эзиб, қимирлатмай ўтирган гавдали, пахмоқ сочли йигит. — Гапир! Эргашиб юрувдингми?

— Албатта! — дедим.

— Нега?!

— Пул ўғирлаганларингни кўриб, мени ҳам қўшиб олинглар, мен ҳам яхшигина ўғриман! Ишонмасала-ринг синаб кўринглар, демоқчи эдим. Қачондан бўён эргашиб юрибман, — деб қўшиб қўйдим.

— Хўш, улар нима дейишди? — деди Нурмат ака.

— Синаймиз! Яхшилаб синаймиз! Алдайдиган бўлсанг, у ёнини ўзинг биласан. Ким билан яшайсан? — деб сўрашди.

— Ота-онам йўқ, бувим билан яшайман, деб ёлғон гапирдим. Улар «текширамиз» деганидан қўрқиб кетдим. Текширса, қўлга тушганим, мени ўлдиришади, деб ўйладим. Бир жойга боргандা машина тўхтади. Пахмоқ сочли йигит ва мен пастга тушдик. Машина бир силкиниб жўнаб кетди. «Энди нима бўларкин?» деб мен ҳаяжондаман. Қани энди, бирор милиционер учраса-ю, тутиб берсам. Нотаниш кўчалар...

Ўчакишгандек ҳеч ким кўринмайди. Бирдан узоқдан уч филдиракли мотоцикл ҳайдаган одам кўринди. Қарасам кўчамиздаги Али милиционер. Менга жон кирди.

— Йўл бўлсин Рашид полвон? — сўради Али ака ёнимизда тўхтаб. Шу пайт пахмоқ сочли йигитнинг ранги оқариб кетди. Қўлини чўнтагига тиқди. Мен: «Уйга Алижон ака», дедим.

— Ўтиргилар! Йўлим ўшаққа! — деди Али ака пахмоқ сочини ҳам таклиф этиб. Мен Али аканинг ор-

қасига мингашибим, шеригим ҳам истар-истамас кажавага чиқди. Йўлда мен Али аканинг пистолетини ушлаб, силкитиб, қулоғига «хавфли одам, ушланг» деб қўйдим. У сезиб қўлимни тирсаги билан сиқиб жавоб қилди. Мотоциклни чорраҳадаги милиционер ёнига олиб бориб тўхтатди-да, дарҳол пистолетини чиқариб пахмоқ сочли йигитга ўқталди.

— Қимирлама! Тинтинг!— деди у шеригига. Йигитнинг чўнтағидан бир неча писка, ўзи очиладиган дудама пичноқ чиқди.

— Кечирасиз, ҳали отингизни ҳам яхши билмасдим ака! Шунаقا бўлиб қолди энди!— дедим мен. Бўлган воқеа ана шу, дадажон!

Нурмат ака ҳаяжон билан Рашидни қучоқлаб олди. Она эса қўзлари тўла ёш билан тикилиб турарди.

* * *



Наримон ОРИФЖОНОВ

Үт ўчирувчилар қичқириғидай узундан-узоқ чалинган эшик қўнғироғи ҳамманинг ўтакасини ҳрай деди. Оқ ўрик тагидаги сим каравотда ётган Рустам сапчиб ўрнидан турди. Оёқ томондаги суянчиқда осиқлик турган шимини апил-тапил кийди-ю, майкачан эшикка югурди.

— Ким у? — деди, йўл-йўлакай юраги ўйнаб.

— Мен, очинг, — таниш қизнинг ташвишли овози эшитилди.

— Пари!

— Ҳа, мен.

Рустам эшикни очиб анграйиб қолди. Унинг олдида енги калта, гулли кўйлаклари фижмалай, қовоқлари шишган, ғамгин Фарида турарди.

— Ҳали гимн чалинмасдан нима қилиб юрибсан? — ҳазил қилмоқчи бўлди Рустам.

— Акам шу ердами? — саволга савол билан жавоб қайтарди қиз.

— Йўқ, нима эди? — Рустамнинг юраги орқасига тортиб кетди, «яна бир шумликни бошлаган бўлса-я» деб қўйди у ичида.

— Кечаси уйга келмади, — деди Фарида ўпкаси тўлиб, — дадам милиционер Али аканикига кетдилар, аям уйда йиғлаб ўтирибдилар. Мен сиздан хабар олгани келдим.

— Анави шанба ўғри тутишга ёрдам берганидан талтайиб кетдимикин-а?

— Билмадим. Демак, сизларникида йўқми?

— Йўқ... Об-бо, Рашид-эй!

— Ҳа, нима гап?

— Шундай, ўзим... — Рустамнинг нафаси ичига тушиб кетди.

...Кеча Рашид унинг олдига келиб, қолиб кетган ишини яна бошқатдан бошлашга аҳд қилганини, нима бўлса ҳам бобоси ҳақидаги маълумотларни излаб топмоқчи эканлигини оғиз кўпиртириб гапирган эди.

«Назарбекда Қодир бободан эшитганларим кўнглимга тинчлик бермаяпти,— деди у хаёл аралаш,— шуларни ёзиб, «Гулхан»га юбормасам бўлмайдиганга ўҳшайди». Рустам аввалига ишонмади. «Бу ҳам бир елвизаклик бўлса керак»,— деб қўя қолди. Кейин бундай разм солса, ўргонинг гапи жиддий. Астойдил қидирадиган сиёқи бор. «Тунов кунги даккиларимдан тўғри хулоса чиқарган бўлса ажаб эмас», — деб дилидан ўтказди-ю, Қодир ота тушунтирган Омон маҳсумни бирга излашга розилик берди.

— Нима қиласиз. Қоратошдан қидирамизми?— деди Рашид жонланиб.

— Бўлмаса қаердан, очиқ мозордан излаймизми?

— Ёпиқ мозорда бўлсаям топаман.

— Катта кетма. Ундан кўра, юр, қидиришни бошлаймиз.

Қоратош деган кўчаям аччиқ ичакдай роса чўзилган экан. Олмазордан бошланиб, эски Чорсугача, тўғрироғи, ГУМгача илон изи бўлиб кетаверар экан.

Болалар Омон махсумни излаб кирмаган эшигу, сўрамаган одам қолмади деса бўлар. Кимдан сўрашса ё елкасини қисади, ё «бilmadim» деб қўя қолади. Оҳнири улар нариги кўчадаги кўмирчилар чойхонасига кириб боришиди. Илгари от-аравада кўмир ташийдиган кишилар бир тўхтаб, чой-пой ичиб кетгани учун бу чойхона шундай деб аталарди.

Кирлаб кетган оқҳалат кийган, чуст дўпписининг кизакларигача ёғ босган, калта мўйловли, ориқ, қотма самоварчи болаларнинг саволига диққат билан қулоқ солди, кейин чойнакнинг қопқоғини ҳўл сочиқقا артаётисб, хаёлан Қоратош кўчасини кезиб чиқди-да:

— Билмадим, ука,— деди ва Рашиднинг пештахтага суялиб индамай туришипи кўргач, қўшимча қилди,
— яххиси анави амакиларингдан сўрай қол.

Тахта сўри устига тўшалган якандозга ястаниб, чой ичаётган уч-тўрт отахондан бири бу гапни эшитиб, чойхоначиға қаради:

— Кимни сўрашяпти?
— Омон махсумии,— деди самоварчи ҳамон ўз иши билан шуғулланиб.
— Нимага керак экан?
— Рашид чолнинг олдига келиб салом берди-ла, бор гапни тўкиб солди. Рустам унинг гапларини тасдиқлаб турди.
— Ие, сен ҳали Замонали махсумнинг невараси бўласанми?— деб соқолини тутамлаб сўради ҳалиги чол.
— Ҳа, сиз бобомларни танирмидингиз? — Рашиднинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.
— Раҳматлик ажойиб одам эди, камбағалнинг ишонгани боғи, Шўронинг суюнган тоғи эди. Ҳа, майли, сен Омон махсумии сўраяпсанми?

Рашид билан Рустам тахта сўрининг қиррасига омонатгина ўтирганча кетма-кет бош силкиб қўйишиди.

— Омон махсум, ҳозир уйида йўқ,— деди чол болаларга юзланиб,— ўғли ўқишини битириб, Фарғонага ишга кетган. Эшитишимча, Шоҳимардонга яқин жойда, мактабда ўқитувчилик қиласа керак. Уша ердан ўйли-жойли бўлиб кетганмиш. Ҳар йил ёз бошланиши билан махсум ўғлининг олдига кетади. Қачон қайтишини билмадим.

Икки ўртоқ тарвузи қўлтиғидан тушиб чойхонадан лаллайиб чиқишиди-ю, лекин дарров Рашиднинг мияси электрон-ҳисоблаш машинасидай ишлаб кетди.

— Бормаймизми?— деди у Рустамга ўсмоқчилаб,— ўқишидан бўлса, каникулга чиқдик. Бир айланиб томошалаб келамиз.

— Жинни бўлиб қопсан! Яна винтларинг бўшаб кетганга ўхшайди. Иситманг йўқми?— Рустам дўсти нинг пешанасини ушлаб кўрди,— шундан-шунга бориб бўладими? Фарғона Назарбек эмас!

— Үғриларни тутишдаям мени ташлаб кетувдинг... Майли, ўзинг биласан.

Рашид муюлишда туриб қолди. Рустам бурилиб уйига жўнади...

Ҳозир Рустам шуларни хотирлаб, бир бошдан гапириб бераман деса. Фарида аллақачон кетиб қолибди.

Тонг шабадаси Рустамнинг этини жунжитди шекилли, яна жойига бориб ётаркан: «Наҳотки, Фарғона-га кетворган бўлса?»— деб хаёлдан ўтказди.

* * *

Икки юз олтмишинчи поезд Марғилон бекатига аzonда етиб келди. Рашид поезддан тушиб, машинага ўтирди. Машина икки томонига акация ва чинор экилган узун, унча кенг бўлмаган кўча бўйлаб, физиллаб юриб кетди. Аҳён-аҳёнда ҳайдовчининг «биродарлар, билет эсингииздан чиқмасин» деган майин овози эшитилиб қоларди.

Автобус катта бир майдонга етиб тўхтади. Бекатнинг ёнгинасида замонавий кинотеатр. Рашид ўқиб кўрди: Увайсий номида экан. Унинг олдида Охунбобоевнинг катта бюсти, ўнг томонда фонтан. Унинг қаршисида бир нозик аёл ҳайкали. Рашид бориб қараган эди. Нурхон экан. Хиёбон олдида туриб, ўтган-кетганни кузатди. Бир вақт ўзи тенги болани учратиб сўради:

— Оғайни, бу Фарғонами?

— Йўқ, меҳмон,— деди ҳалиги бола мулойим товшуда,— бу ер Маргилон. Сизга Фаргона керак бўлса, ҳов анави ерда автобус бекати, нарёғида такси тўхтайди. Қани, эшикка марҳамат, чой қиласиз.

— Раҳмат, оғайни.— Рашид шундай деди-ю, автобусга шошилмади. Одамлар оқимиға эргашиб, чайқов



бозорга бориб қолди. Бир ён дўппи бозор, бир ён ёй-мачилик. Атторчилик ҳам, боққолчилик ҳам шу ерда. Рашид айланиб қуш бозоридан чиқиб қолди. Катта-кичик ҳар хил катаклардаги ранг-баранг қушлар бирни олиб, бири қўйиб сайдайди. Тўти, канарейка... хуллас ҳаммаси ҳам чиройли, ҳаммаси ҳам мафтункор. Рашид қуш сотувчининг олдидан кетолмай қолди. Ишонсангиз ўттизтacha ранг-баранг қушни қафасга солиб қараб ўтирибди. Қушлардан бири ҳурпайиброқ, касалга ўхшаб, бўйинни қисиб турарди. Рашидинг унга раҳми келди. Шундай касал жонивор тутқунликда турса.

— Амаки, мана бунга нима қилган?

— Бетоб шекилли.

— Учириб юбора қолинг, раҳмингиз келмайдими?— Рашид шундай деб энди қафаснинг эшигини очмоқчи бўлган эди, қуш сотувчи:

— Ҳой, зумраша, нима қиляпсан?— деб бақирди.

— Шу пайт қаердандир милиционер пайдо бўлди.

— Болангизнинг тўйида хизмат қилай, aka,— деди қуш сотувчи милиционерга мурожаат қилиб,— мана бу тирмизак мени хонавайрон қилмоқчи, унинг бир таъзирини бериб қўйинг.

— Бу қанақаси бўлди, ука?— милиционер Рашидан расмий сўради.

— Қасал экан, раҳмим келиб учирив юбормоқчи эдим, холос.

— Ҳўп, шошма, ўзинг кимсан?

— Рашидман.

— Қанақа Рашид?

— Қўриб турганингиз, Нурмат аканинг ўғли, Замонали махсумнинг набираси Рашидман.

— Яхши, қаерликсан?— Бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Омон махсумни қидириб юрибман.

— Қанақа Омон махсум?

— Тошкентлик, бобомнинг ўртоғи. Ўғли институт-

ни битириб, Шоҳимардон яқинидаги мактабда ишлар-кан. Уша ўғлини кўргани келдим.

— Қани, бу ёқقا юр-чи, бўлмаса,— милиционер Рашидни болалар хонаси томон бошлади.

* * *

— Алло, бу Тошкентми?

— Ҳа, район ички ишлар бўлими.

— Мен Марғилондан, лейтенант Мамадалиевман. Телефонда ким?

— Сержант Алижон Валиев эшитади, ўртоқ лейтенант.

— Гап бундай, ўртоқ сержант, тошкентлик бир бола ҳозир менинг олдимда ўтирибди.

— Рашид Нурматов эмасми?

— Худди ўша.

— Биз уни кечадан бери қидиравериб энка-тинка-миз чиқиб кетди.

— Бугун поезддан тушибди. Омон маҳсум деган одамнинг ўғлини излаб юрган эмиш. Ҳозир область ҳалқ маорифи бўлимидан аниқладик. Каримжон Омонов Водилдаги ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлар экан. У ёқقا ҳам телефон қилдим. Омон маҳсум кеча Тошкентга қайтиб кетибди. Каримжон эса, ҳозир машина билан келиб, бу болани олиб кетишга ваъда қилди. «Бир-икки кун томоша қилиб кетсин», деди. Отанасини тинчтиб қўйининг, деган маънода қўнғироқ қиласаётган әдим.

— Раҳмат, ўртоқ лейтенант. Ўзи билан бир оғиз гаплашишга рухсат этасизми?

— Ҳа, танийсизми уни?

— Қўшним бўлади.

— Ҳали шундай денг. Ҳа, майли, мана трубкани беряпман.— Мамадалиев болага юзланди,— Ма, сен билан гаплашишмоқчи.

Боядан бери фақат бир томоннинг гапини эши-

тиб, чала-ярим хулоса чиқариб ўтирган Рашид қўрқа-
писа трубкани олди:

— Алло, эшитаман.

— Рашидмисан?

— Ҳа.

— Дард, тентак. Ҳамманинг юрагини ёрдинг-ку. У
ерда нима қилиб юрибсан?

— Дўстлик визити билан келувдим. Омон маҳсум
билан учрашолмайдиганга ўхшайман. Ўғли келмоқчи.
шуни кутиб турибман.

— Менга қара, қачон қайтасан?

— Билмадим, билетга пулим йўқ. Агар иложини
қиласам, кечқурун поезд бўларкан, жўнаб қоламан. Ойн-
жонимга, дадажонимга, Фаридага салом айтинг, Али-
жон ака.

— Хўп, тезроқ қайт.

Шу пайт эшик очилиб, ўрта ёшлардаги, анча мада-
ний кийинган киши кулимсираб кириб келди.

— Каримжон Омонов,— деб ўзини таништириди
у лейтенантга.

— Бунча тез?— ҳайрон бўлиб сўради Мамадалиев,—
учиб келдингизми?

— Узимизнинг «Жигули»да келдик.


— Мана, дадангизни йўқлаган бола,— милиция
лейтенанти Рашидга ўгирилди,— дадангиз бобосини та-
нир эканлар.

— Яхши. «Меҳмон отангдан улуғ» дейдилар. Эшик-
ка олиб кетамиз-да, рухсат этсалар?

— Марҳамат, яна ўзи билади, уйини тинчтиб қўй-
дим.

— Раҳмат, ўртоқ лейтенант. Қани кетдик, бўлмаса.

Рашид хонадан чиқиб, Каримжон аканинг ҳаво
ранг «Жигули»сига ўтирди. Лейтенант мамнун қўл сил-
киди. Рашид ҳам, Каримжон aka ҳам миннатдор жил-
майиб қўйишиди. Машина жойидан қўзғалди.



Латиф МАҲМУДОВ

Омонулла махсумникidan чиққан икки ошнанинг кайфлари чоғ эди. Оғизлари қулоқларида, бир-бирларига гап бермай ҳовлиқиб келишарди. Шунгамикан, орқаларидан қорама-қора келаётган болани пайқамай қолишган эди. Боланинг кўзлари бежо, хатти-ҳаракатларида аллақандай саросималик бор эди. Дам у теракни, дам бу теракни паналаб ўтиб, кўччанинг ўртасида бамайлихотир келаётган икки ошнадан кўз узмас, зимдан кузатар, аҳён-аҳён олазарак бўлиб атрофга секин қараб олар, кўчада ҳеч ким йўқлигидан кўнгли таскин топиб, яна пойлашни давом эттиарди.

Аммо ошналар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб орқаларига қаравши хаёлларига ҳам келтиришмас, махсумнинг чўпчакка ўхшаш ажойиб-гаройиб гаплари шу тобда бутун борлиқни қамраб олган, кўнгиллари

ҳаяжонда эди. Тавба, оламда бунақа одамлару, бунақа жангү жадаллар бўлган экан-у, икки ошна кўча чангитишдан қўллари бўшамаӣ, ҳаммасидан бехабар юришган экан-а!

Чўққи соқол, кўзлари ажабтовур товланиб, мулоҳим қарашлари кишига жуда-жуда ҳуш ёқадиган Омонулла маҳсумни айтмайсизми? Одам ҳам шунақа дилкаш, шунақа ширинсўз бўладими, гапларидан бол томади-я! Ўзи ҳам ўта камсуқум, ўта хокисор одам экан. Бўлмаса зифирдай-зифирдай болалар билан худди ўз тенгқурларини топиб олгандай, шунақа очилиб-ёзилиб гаплашадими, маҳсумнинг бунақа ошналигидан икки ошнанинг қувончлари ичларига сифмай кетди-ю, аввалги ҳадиксираш, тортинчоқликдан асар ҳам қолмади. Қизиқ, икки ошна илгарилари Омонулла маҳсумни негадир тамоман бошқача: баланд бўйли, қотма, бошмалдоқдек-бошмалдоқдек қалин оппоқ қошлари ўйнаб турадиган, қўллари эски токнинг зангидек бужур, кекса бўлса ҳам, кўриниши жуда басавлат одам бўлса керак, деб тасаввур қилишарди, йўқ. Омонулла маҳсум батамом бошқача экан.

Агар битта-яримта кўча-кўйда даб-дурустдан «мана шу одам сиз қидириб юрган маҳсум бўлади» деса иккови ҳам ишонмаган бўларди. Хуллас, икки ошна ранги олатароқ бўлиб кетган қўш тавақали кўк эшикнинг бир қанотини оҳиста очиб ичкарига киришганда, Омонулла маҳсум чўккалаб ариқнинг лабидаги садарай-ҳонни қайчилайтган эди. Маҳсум кеча кечқурун ҳам бирров келиб кетган Рашидга кўзи тушиб, мулоҳим жилмайди. Остонада ийманиб турганини кўриб, имлаб чақирди, райҳоннинг қўшалоқ шохини синдириб, иккowinga бўлиб берди-да, худди болаларникига ўхшаш, кичкина, ориқ панжалари билан садани оҳиста уриб, исини таратди.

— Райҳон — жаннатнинг гули, — дея болаларни ҳовлининг ўртасидаги шохлари тарвақайлаб, қуюқ соя

ташлаб турган ўрикнинг остидаги сўрига бошлаб келди. Райхоннинг хосияти-ю, қандай дардларга даволиги ҳақидаги бошланган гап кечаги сұхбатга тақалиши билан икки ошна яна қизиқиш ва ҳаяжон билан махсумнинг оғзига тикилишди.

— Мана, энди икки ошнанинг каллалари ғалати-галати ўйларга-ю, юраклари шу пайтгача сезмаган ғалати-ғалати ҳисларга, кўнгиллари бир олам қувончга тўлган ҳолда қаигишияпти. Рашид дам-бадам шеригига қараб илжайди, Рустамнинг кечаги тундлигидан асар ҳам йўқ, юзидан кулги аримайди, кўзлари чақнайди! Аслини олганда, кеча шеригини Омонулла махсумникига судраб келиб, Рашид яхши қилган экан, бўлмаса, бу қувонч, бу ҳаяжон, учирма қушнинг биринчи парвозидай юракларининг ширин-ширин энтишиллари қаёқда эди дейсиз? Рустам-ку (вой тавба, сиз қиссанинг олдинги бобларидан биласиз: каттани кесиб кичкина қилиб қўйгандай ўта ақлли, ўта одобли, э, борингки, дунёда «намуна» деган парса бўлса, худди ўзгинаси эди) бир ой соя-салқин лагерда дам олиб қайтди-ю, ўша ерда ашула тўгарагига ёзилган экан, тўгарак раҳбари «сенда овозга ўхшаган бир нарса пайқаяпман, ука» дегандан бери ҳамма нарсадан совиб қолган. Бонгинг бурчагидаги ўрикнинг остида эртадан кечгача минғир-минғир ашула айтгани-айтган. Ашула ни қанча кўп айтса, шунча овози очилармиш. Рашидниг тоза энсаси қотди, яна бунинг устига «ошна, журналнинг топширигини эплолмасак керак, шунча уриниб ҳеч бало қилолмадик», деган гапидан Рашиднинг жазаваси тутиб кетди-ю, Фаргонадан қайтган, Омонулла махсум уйидалигининг дарагини топиб келди. Қувончдан энтикиб, Рустамга хабар қиласай деб, боқقا кирса, қай кўз билан кўрсинки, яна ўша аҳвол: Рустам ўрикнинг тагидаги шолчага худди китобларда тасвирланган эски муллаваҷчалардай чордона қуриб олган, ўзининг овозига сел бўлиб ўтиради.

Рашиднинг зардаси қайнаб кетди.

— Э, ашула айтмай ўл!

Рустам бирор бошига тўқмоқ билан ургандек чўчиб тушди.

— Ҳа?

— Сендан ашулачи чиқадими, тентак овозинг сурчайга ўхшаб чи-чи қилади-ку!

— Нима-нима? — Рустам бирдан сакраб турди, Рашиднинг ёқасига ёпишди, — ким сурнай?

Рустамнинг важоҳатидан Рашиднинг ўтакаси ёрилиб, аранг ёқасини бўшата бошлади,— сурнай эмас сурнайга ўхшаган деяпман.

Рашид ялинди, пўписа қилди, қани Рустам жаҳлидан тушса. Йўқ, буни бир бало қилиб алдаб-сулдаб ўйлга солмаса, ҳамма иш расво, дарров паст тушиб:

— Э, гапнинг маъносига етсанг-чи, — сурнайга ўхшаган деганимнинг сабаби, сенини ҳаммага қўшилиб айтиладиган овоз эмас, саҳнада алоҳида айтиладиган яккахон овоз!

Рустам бир оз бўшашибди.

— Менинг овозим-а?

— Ҳа, яккахон! Сурнай овози, яъни композиорларнинг тили билан айтганда тензор, ҳа!

— Нима-нима? — деди тушунмай Рустам.

— Уф-фф! Тензор! Одамни аллалаб, юрак-юрагига сингиб сув қилиб юборадиган овоз!

— Э, бўлди, — деди Рустам ҳам тушунгандай бўлниб, тўгарак раҳбаримиз ҳам «овозинг бўталоқнинг бўйнидаги қўнғироққа ўхшаркан» деган эди.

— Бўпди-да.

— Хўш, нега ашуланинг белига тепдинг?

— Ҳа, балли, — деди Рашид, — одамнинг ёқасига чанг солмай, гапни шундан бошлишинг керак эди. Сен билан мени Омонулла маҳсум уйида кутиб ўтирибди.

— Йўғ-е? — Рустам ўртоғининг гапига дам ишониб, дам ишонмай секин ўрнидан турди ва шолчани

Йигишири бошлади. Яхши ҳам Рашиднинг гапига кўнган экан!

...Боядан бери уларни қоралаб келаётган бола ниятидан қайтдими ё бирон иш чиқара олишига кўзи етмадими, муюлишга етганда негадир ғазабдан қалтқалт титраб, серрайиб туриб қолди. Аммо, ошналар уйларін томон эмас, тор кўчага бурилишлари билан болага жон-кирди-ю, оёгини қўлига олиб югурди, яқин қолганда ўзини яна теракнинг панасига олди. Аммо бола бекорга бу қадар куюнаётган эди. Негаки икки ошнанинг фикри-ёди тамоман бошқа ёқда, боя айтганимиздай, орқага қарашиб тугул шу тобда бир-бирларидан бўлак ҳеч кимни кўришмасди. Рашид дам-бадам қўйнидаги нарсани ушлаб-ушлаб қўяр, жойида турганидан кўнгли тинчиб ўртоғининг ёнида пилдираб борарди, қўйнидаги Омонулла маҳсумдан не-не илтимос билан ўраб олган эски сурат эди. Боя маҳсум ҳикоя қилиб туриб, бирдан, алланарсани ёдлаб «меи ҳозир» деди-ю, уйга кириб анча хаяллаб, четлари сарғайиб кетган сурат кўтариб чиқди. Яна чорпояга чўккаладида, белбоғини тимискилаб кўзойнак олди. Бир суратга, бир Рашидга тикила-тикила оппоқ чўққи соқолини туатмалганча:

— Тавба, — деб юборди бирдан, — қуйиб қўйган бобо раҳматликнинг ўзисан-а, Мирзарашид!

Бу сўздан Рашид энтиклб кетди. У бобоси ҳақида унча-мунча эшитган. Аммо расмини кўрган эмас, ҳатто бир марта «нега уйимизда бобомларнинг расми йўқ» деганда дадаси «бобонг расмга тушишни ёқтирамасди» дегани ҳам эсида! Мана, энди Рашид бобосининг қанақалигини ўз кўзи билан кўриб турибди. Тағин қанақа расм дениг! Бир тўда жангчилар орасида, негадир яктакнинг устидан қалин камар тақиб олган бобоси отнинг жиловини ушлаб, мана шу сарғайиб кетган бир парча қоғоздан Рашидга ғалати қараб турибди. Рашид узоқ тикилди, у расмдан сира-сира кўз узол-

мас, кўрган сари қарагиси келар, шунча ишлар қилиб одамларнинг оғзига тушган бобосининг бу қадар ёш, жиккаккина киши бўлганига сира ишонмас эди, бобосининг, қўнғиз нусха мўйлови демаса, қош-кўзлари, қирра бурни, қарашлари худди дадасининг ўзи-я! — Айтгандай бу расмни дадаси кўрса борми, тоза қувонгани бўларди-да, кейин бир оз яхшироқ фотографга бериб, дарров нусха кўчиритиб олган бўларди.

Рашид кўзлари жовдираб маҳсумга қаради:

— Жон бува, бир нарса десам йўқ демайсизми-а?
— Сўра, болам.

— Шу суратни атиги икки кунга берриб турсангиз, дадамга ҳам кўрсатардим, нусха ҳам кўчириб олардик. Биласизми, уйимизда бобомларнинг ҳеч расмлари йўқ.

Маҳсум алланарсаларни эслаб, ёйилиб жилмайди.

— Раҳматли бобонгнинг қизиқ одати бор эди, — деди, — расмга тушишга, сира-сира тоби йўқ эди. Бу суратни ҳам қандай қилиб олганмиз денг!

Маҳсум яна ғалати-ғалати воқеалар-у, саргузаштларга бой тарихини очди-ки, икки ошна тоза маҳлиё бўлиб эшишиди.

Тор кўчани яримлаб қолишганда, Рашиднинг, яна аввалги Рашидлиги тутиб, бирдан кўзлари ўйнаб тўхтаб қолди.

— Қара, Рустам, — деди ариқ бўйидаги каттакон нокка тикилиб, — роса қиптими-а!

— Бай-бай-бай, нашвати экан! — деди Рустам ҳам кўз ололмай, қулт этиб ютинди. Рашид эса, бир-икки тамшанди-да, ўртоғига маънодор қаради. Икки ошна нок дегани бир дона бўлса ҳам тупидан узиб еганга нима етсин дейишиди-ю, Рустам тўнка бўлди, Рашид дарров устига чиқди. Сакраб нокнинг пастки шохига миниб олди. Энди биттасини узгани қўл чўзганда:

— Юқоридагисини ол,— деб қолди Рустам,— тоза пишган экан!



Рашид юқорига чиқа бошлади. Ошналарнинг чалғиганидан фойдаланиб, боя кузатиб келаётган бола тे-рак панасидан чиқди-да, нокнинг тўғрисидаги бир та-вақалик пастак эшикдан лип этиб кириб кетди. Рашид эса энди бир дона нокни олиб пастга қарашини била-ди, эшик қарсилаб очилди-ю, барзангидек ит ириллаб чиқиб, бирдан Рустамга ташланди. Яхшики, Рустам эп-чилик қилиб вақтида қочиб қолди. Бўлмаса шимининг бир почасидан айрилиши турган гап эди. Рашид шоша-пиша пастга туша бошлади. То ит қайтиб келгунча «жуфтакни уриб қолмоқчи эди, бўлмади, ит шеригинг-дай қутулдим, энди сени боплаб таъзирингни бе-риб қўяй» дегандек ярим йўлдан қайтиб, даҳшат билан нокнинг танасига ёпишди. Рашид итнинг важоҳатидан чўчиб қалқиб кетди, мувозанатни ўйқотиб қўйди, жон ҳолатда кичкина бир шохга ёпишгагэ эди, шох қарсил-лаб синди, у ўзини ўнглай олмай, аввал кўча девор-нинг устига, ундан кейин аллакимниг ҳовлисига гур-силлаб тушди.

— Ҳаҳ, қўлга тушмас экансан!

Бу ғазаб, бу даҳшат, аллақандай алам билан айтилган бу сўздан Рашиднинг кўзлари олчанинг да-ниагидек юм-юмалоқ бўлиб кетди-ю, дарров тура солиб овоз келган томонга қаради. Ундан ўн-ўн беш қадам нарида боя кетидан пойлаб келган бола турарди. У паншаханинг дастасига энгагини тираб, олайган кўз-ларини Рашиддан узмасди.

— Саттор?— деди ҳуши учиб Рашид.

Бола жаҳл билан паншахани ердан суғуриб олди, олдинга бир қадам ташлади, оғзидан кўпик сачратиб қичқирди.

— Ҳа?! «Хўжа»сини еб қўйдингми, очопат!

Унинг овозига ошхонадан аллаким югуриб чиқди. Бу онаси эди. Қўлида капгир, овқат қилаётган экан шекилли. Рашидни кўрди-ю, ғазабдан қалт-қалт тит-раб, кўзлари ғалати лирпираб кетди.

— Касофат, — деди анчадан сўнг йиғламсираган товуш билан,— сени деб эримдан, давлатимдан айрилдим, жаннатдай ҳовли-жойимдан ажраб, манави каталакда тиқилиб ўтирибман!

Рашид кўзлари аланг-жаланг бўлиб ён-атрофга қаради. Қаради-ю, юраги орқага тортиб деворга суюниб қолди. Негаки, анави барзанги ит «қани бир қадам жойингдан жилиб кўрчи», дегандек ичкарига кириб, аллақачон кўча эшикнинг олдига узала тушиб олган эди. Рашидинг кўз олди қоронгилашиб кетди. Энди бу ердан қочиб кетишнинг ҳеч иложи йўқ, ха энди нима бўлса ҳам, қўйнидаги суратни эҳтиёт қилиш керак, э, аттанг, боя нокка чиқаётганда Рустам «менга бер, эзиз юборасан» деган эди-я, кўнмай чакки қилган экан. Сурат Рустамда бўлганда кўнгли тинчиб, бир амаллаб,




бу ердан чиқиб кетиш йўлини ўйлаб кўрган бўларди.

„Рашид шоша-пиша кўйлагининг тугмасини ечиб суратни олди, бор кучи билан кўча томонга иргитган эди, э, аттанг, оғир нарса бўлгандаку, шундоқ кўчанинг ўртасига тушарди-я, бунинг устига девор ўлгур ҳам хийла баланд экан, бир четига тегди-ю, қайтиб ҳовлига, тагин Сатторхўжанинг оёғи остига тушди-я!

Рашид жон ҳолатда суратга ташланган эди, Сатторхўжа «тап» этиб оёғи билан суратни босиб олди-ю, паншаханинг учи билан Рашидга ўқталди.

Рашиднинг пешанасидан тер чиқиб кетди.

Бир ёқдан паншахани ўқталиб Сатторхўжа, иккими чи ёқдан қўлидаги капгирни силкитиб онаси даҳшат билан Рашиднинг тепасига бостириб кела бошлишди.





Фарҳод МУСАЖОНОВ

Ха, худди шундай бўлди: бир ёқдан паншашани ўқталиб Сатторхўжа, иккинчи ёқдан қўлидаги капгирни силкитиб онаси даҳшат билан Рашиднинг тепасига бостириб кела бошлишди.

Бунақа пайтда ман-ман деган жасур одам ҳам ўзини йўқотиб қўйиши табний. Рашиднинг ҳам азойнбаданидан совуқ тер чиқиб кетди. Аммо, топқирлнги иш бериб қолди. Ўзи не аҳволда ер узала тушиб ётибди-ку, ўлганининг кунидан ҳиринглаб кулади. Ҳамлага тайёр турган она-бала ҳайрон бўлиб қолишиди.

— Нега куласан, фитна? — бўғилиб сўради Сатторхўжа.

— Одамнинг кулгиси қистаркан, у ёқда ёғинклар ёниб кетяпти-ку, бу ёқда сизлар мен билан оворасизлар.

— Нима, — кўзлари ола-кула бўлиб ошхона томонга қаради иккови, у ердан тутун чиқарди, «қўрқянга

қўш кўринади» дейишади-ку, она-боланинг ўтакаси ёрилаёди. — Вой-дод, уйнимизга ўт кетди!

Иккалови уввос кўтариб ўчоқбошига югуришди.

Рашид иргиб ўрнидан турди, ерда ётган расмни олиб, кўйлагининг енги билан авайлаб артди-да, қўйнига солди. Паншаҳани олиб, кўчага отилди. Чиқа солиб паншаҳанинг дастасини эшик ҳалқасидан ўтказиб, тамбалаб қўйди.

Энди минг тортсин, эшик очилмайди.

Зум ўтмай эшик ичкарисидан гумбирлаб тақиллай бошлади.

— Авроқчи! Устимииздан бекитиб кетибди! Ҳа, шум!

Рашид ҳовлидан эшитилаётган бақириқларга эътибор бермай, обенин судраб босганича йўлга тушди.

— Барибир, қочиб қутуломайсан, ғаламис. Бир куни қўлга тушасан-ку! Овоз яқиндан эшитилган эди. Рашид тўхтаб, орқасига ўгирилди. Деворда Сатторхўжанинг калласи кўринди.

— Деворда туриб нега кериласан, чиранчоқ? Зўр бўлсанг, бу ёққа туш.

— Милицияга хабар қилиб, қаматтираман, безори! — аламзада чинқирди Сатторхўжа.

Шундай деди-ю, деворга тираб турган оёғи сирғаниб кетдими, ҳовлига гуп этиб ағдарилди.

Рашид ҳайрон бўлганича, қадамини бир-бир босиб йўлида давом этди.

Муолиашда уни Рустам кутиб турган экан. Рашид у билан гапни қисқа қилди. Тўғри-да, оғир пайтда ташлаб қочган, ёрдам бермаган оғайнининг нима кераги бор?

Яхши қилди, каттадан-кичикка ақл ўргатадиган, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиладиган доно, қуруқ болаларни Рашид азалдан ёқтирасди. Тағин муштдек бўлиб насиҳат ҳам қиласидар. Қим қўйибди, у кишига шу пайтдан насиҳат қилишни!

Журналнинг топшириғини бир амаллаб ўзи бажаради, Рустам ашуласини айтиб юраверсин!

Ха, Рашид гапни чўзмай Рустам билан лоқайдигина хайрлашди. Катта кўчага чиққанида китоб қўлтиқлаб кетаётган битта болани кўриб қолди-ю, миясига лоп этиб мактаби келди. Ахир эрта ўтиб, индинга ўқиш бошланади-ку! Ваҳаҳо — таралло билан ёзниг ўтиб кетганини ҳам билмай қолибди. Индинга ўқиш бошланадиган бўлса, тайёргарлик кўриш керак. На дафтар-калами бор, на бирорта дарслик олди.

Рашид шу заҳотиёқ, тўғри мактабга боришга қарор қилди. Ҳа, бошқа ташвишлар бир гап бўлар, энг аввал ўқишини ўйлаш керак.

У мактабга кириб борса, кутубхонанинг олдида учтўртта чурвақа ўралашиб юрибди.

— Қани, акаси, тартиб сақлаб бир чеккадан келларинг.— Рашид болаларни итариб-ситариб, кутубхона-нинг эшигига яқинлашди. Эшикка ўрнатилган кичкина дарчага калласини суқиб ичкарига боқди. Қараса, кутубхоначи янги бўлибди, ёшгина бир жувон.

— Салом, — деди Рашид бурро ва хушҳоллик билан. — Менга еттинчи синфнинг китоблари керак эди.

Жувон бошини кўтариб Рашидга қаради.

— Еттига фақат рус тили дарслиги бор. Бошқалари йўқ, тугади.

— Нега тугаркан, ҳаммага етадиган китоб келиши керак-ку? Мактаб бермаса мен қаёқдан топаман?!

— Билмадим,— чўрт кесди кутубхоначи.

— Ие, сизники қизиқ бўлди-ку!

— Нега энди қизиқ бўларкан? Дарслик керак бўлган одам олдинроқ ҳаракат қиласиди. Шу пайтгacha қаёқда юрвудинг?

Шу пайтгacha қаёқда юрганлигини айтиб бўладими? Рашид сал тумшуғуни кўтариб, бепарво ва айни пайтда олифтанамороқ оҳангда деди:

— Чехословакияда эдим.

— Нима, — ажабланди кутубхоначи.

— Чехословакияда эдим дейман, — эснаб жавоб қайтарди Рашид.

— Ота-онанг билан боргандирсан-да?

— Йўқ, аълочи ўқувчиларни юборишган эди. Ҳамма республикалардан болалар боришли. Ўзбекистондан битта мен бўлдим.

— А!.. — Кутубхоначининг бирдан чеҳраси очилиб кетди. У мулойим жилмайиб, меҳр билан Рашидга боқди.— Ўқиш бошланганда яна дарсликлар оламиз. Кирсанг бераман.

— Майли, олиб қўярсиз, — деди Рашид сиполик билан. Бирдан ўзининг кўзига ўзи машҳур одамдек кўриниб кетди. Бурнини қанқайтириб, улуғвор бир қиёфада орқасига ўгирилди. Кутубхоначи жувон дар-



чадап бошини чиқариб анграйганча унинг орқасидан тикилиб қолди.

Рашид кўчага чиқиб, яна анча жойгача қаддини гоз тутиб борди. Шу пайт қаршисидан синфдоши Манзура дугонаси билан ўтиб қолди.

Улар саломлашишди. Рашид орқасидан уларнинг овозини эшилди.

— Ким бу? — сўради дугонаси.

— Э, биз билан ўқийди, «икки»чи. Бултур аранг синфдан синфга кўчди.

Шундан кейин Рашид дами чиқиб кетган пуфакдек бужмайиб қолди. Аммо синфдоши Манзуранинг гапи ёмон алам қилди. Э, ўқийман деса, астойдил ҳаракат қилса бунаقا Манзураларнинг ўнтасини йўлда қолдириб кетиши мумкин. Фақат ялқовлиги бор-да. Нима учундир дарс тайёрлашдан кўра, футбол ўйнашни кўпроқ ёқтиради. Лекин бу йил ўқишга қаттиқ киршинишни керак. Тўғри-да, қачонгача мана шунаقا ҳаммадан таъна эшишиб юради. Иннайкеин, ўзи ҳам катта бўлиб қолди, ахир еттинчи синфга ўтди.

Рашид шу фикрлар билан бўлниб уйига етиб қолганини ҳам пайқамади. Модомики, тузукроқ ўқишга аҳд қилган экан шу пайдан ҳаракатини бошлиши керак. У уйига кирди-да, қидириб эски китобларини топди. Бувиси зўрлагани учун номига ул-бул чайнаб олган бўлди-ю, китобларини қўлтиқлаб кўчага чиқиб кетди.

Эски шаҳардаги бу китоб магазинининг олди гавжум эди. Магазин атрофида фуж-фуж ўқувчилар, говур-гувур, ҳар ким ўзига керак нарсани сўрайди.

Рашид четроқда туриб, болаларни бирпас кузатди. Битта боланинг бозори айниқеа чаққон эди. У олдига китобларни тахлаб ташлаган, ким нима сўраса, топиб берарди.

Рашид ҳам ўша болага яқинлашиди. Бола ўзидан кичкинароқ бўлса ҳам тенг тутиб мурожаат қилди:

— Сенда еттининг китоблари борми, оғайни?

— Менда йўқ нарса йўқ, ҳаммаси бор,— бурро жавоб берди бола.

Унинг ҳозиржавоблиги Рашидни сал гангитиб қўйди.

— Олтиникига алмашасанми?

— Нима, мен бу ерга пашша қўриб ўтиргани кел-ганманми?— албатта алмашаман,— жуда маҳмадона экан боласи тушгур.

— Мана бешта китоб, бешта еттиникидан бер.

Бола Рашидни мазах қилиб кулди:

— Бештага бешта дейсанми? Росаям аҳмоқ одамни топибсан-да! — кейин дўқ аралаш гапирди, — анои йўқ бўтда санга биттага битта алмашадиган. Мен иккитага битта алмашаман.

Рашид яна довдираб қолди. Рост-да, жудаям маҳмадона, пишиқ-пухта бола экан. Худди катталарга ўхшаб гаплашади-я!

— Майли, иккитага битта бўлса ҳам. Мана она тили билан тарих, битта китоб бер.

— Она тили ўзимда қалашиб ётибди. Ботаника билан тарих берсанг, битта география бераман.

Рашид бир зум иккиланнб турди-да, кейин рози бўлди.

— Майли, ушла. У ботаника билан тарих китобини болага узатди. Бола китобни қўлига олди-да, Рашидини боягидан ҳам мазах қилиб шарақлаб кулди. Ёлгондан кулаётгани шундоққина билиниб турарди.

— Нега куласан? — сал жаҳли чиқа бошлади Рашиднинг.

— Кайси юз билан шуларни китоб деб кўтариб келдинг. Титилиб, дабдаласи чиқиб кетибди-ку!

Рашиднинг энди расмана жаҳли чиқди, тўғри-да, таъна эшифтмагани шу бола қолганмиди?

— Алмаштиранг, алмаштири, бўлмаса бу ёқса ол!

— Алмаштираман, — Рашиднинг дўқига мутлақо

эътибор бермай гапирди бола,— лекин бунаقا йиртиқ-сиртиқ китобларнинг учтасига битта китоб бераман.

Рашиднинг энсаси қотди, «паст келиб шу тирранча билан тортишиб ўтираманми?» деди-да, физика китобини ҳам боланинг олдига ташлади.

— Бўпти, ма, бер битта китоб.

— Ия, муқоваси қани, бу жониворнинг?!

— Муқовасини нима қиласан, галварс, ҳамма гап китобнинг ичидан бўлади,— ҳазиллашмоқчи бўлди Рашид.

— Ҳойнаҳой ҳали бунинг ичидан ҳам беш-олти бетини йиртиб, қуш қилиб учиргандирлар, — ҳазилга ҳазил билан жавоб берди бола.

— Жуда юракни қисиб юбординг-ку, — деди Рашид, — бўпти мана бунисини ҳам ол-да, битта китоб бер.

— У инглиз тили китобини ҳам ерга чўққайиб ўтирган боланинг олдига ташлади.

— Оббо, бола пақир-еёй, қўймадинг-қўймадинг, кел майли, сенинг ҳам сазанг ўлмасин. — Бола Рашиднинг қўлидан она тили китобини ҳам тортиб олди-да, еттинчи синфнинг инглиз тили дарслигини Рашидга узатди.

— Бешта бўлиб кетди-ку. Биттага бешта китобми?

— Хоҳласанг шу!

— Бўпти, майли! — деди Рашид, — еттинчимнинг химияси борми?

— Жуда нозик жойидан олдинг-ку. Химия анқонинг уруғи. Ҳар куни юзталаб бола сўраб келади.


— Шунаقا дегин, — Рашиднинг тарвузи қўлтиридан тушди. У энди кетмоқчи бўлиб орқасига ўгирилган эди, бола уни тўхтатди.

— Лекин яқин танишларимдан биттаси қаттиқ тайинлаб кетган эди, битта олиб қўйгин деб, ўшанга олиб қўйганим бор.

Рашид боланинг мақсадини тушунмади.



- Пулдан борми? — сўради бола.
- Сотасанми? — ўз навбатида сўради Рашид ҳам.
- Кўрамиз-да.
- Қиммат эмасми?
- Қиммат бўлганда китоб-да, нима от билан тую бўлармиди,— кулди бола.
- Хўп, нарҳи неча пул?
- Нархини ўшатта келишиб олаверамиз.
- Ўшат деганинг қаер?
- Уйда-да, қаерда бўларди? Кун бўйи ўтиравериб, қорин ҳам пиёзнинг пўсти бўлиб кетди, ўзим ҳам кетмоқчи бўлиб турувдим.
- Бола ўрнидан туриб, тагига қўйиб ўтирган қопни олди, ерга тахлаб қўйилган китобларни унга сола бош-



лади. Ҳаммаси ярим қопча бўлди. Бола қаддини ростлади.

— Ҳай, қани кетдик бўлмаса, сенинг ҳам ҳожатинг-ни чиқариб юборай, — деди у Рашидга. Лекин жойидан силжимади.

Рашид ҳам қаққайиб тураверди.

— Қапи, бўла қол,— деди у қопга ишора қилиб.

Рашид боланинг мақсадига энди тушунди. Қонни орқалади.

— Ҳа, кетяпсанми, Аҳрорхўжа? — деди болага кимдир. Унинг гапи Рашидга «жуда зўр ташкачи топиб олибсан-ку» дегандек эшитилди.

— Ҳа, шунаقا бўлиб қолди, — деди бола.

Аҳрорхўжа билан Рашид олдинма-кетин йўлга тушдилар. Китоб ҳам оғир нарса бўларкан. Рашиднинг бурни ерга тегай-тегай деб борарди.

— Ўйинг узоқми? — хириллаб сўради у.

— Узоқ бўлиб қаерда бўларди? Бари бир Тошкентдан чиқиб кетмаймиз — лоқайдлик билан жавоб берди бола.

...Тахминнан ўн минутча йўл юрдилар. Рашид бундай қараса, таниш кўчадан кетяпти. Ёмон нарсанни сезгандек юраги увшиди. Бир оз юриб тўхташди. Аҳорхўжа Рашидга таниш эшик олдида тўхтаган эди.

— Шўтта турасанми? — ўтакаси ёрилиб сўради Рашид.

— Ҳа, — деди Аҳорхўжа ва эшикни тақиллатди.

Рашид қопни ташлаб қочишга шайланди, ахир бу Сатторхўжалар ҳовлиси эди-да!

— Ушла қопингни, — Рашид қопни ерга қўйиб бундоқ орқасига қараса, Сатторхўжанинг онаси турибди, қўлида ўқлов.

Шу пайт эшик очилиб, оstonада Сатторхўжа пайдо бўлди. Хуллас, Рашид қуршовда қолган эди.

— Нима қиляпсизлар, ака, бу менинг харидорим, — деди Аҳорхўжа.

— Ҳозир, харидорингни томоша қиласан! — деди Сатторхўжа лаззатланиб.

— Ҳа, гўштини қийма-қийма қилиб еймиз — жодугарга ўхшаб шақиллади онаси.

— Есанглар майли-ю, — ўлганининг кунидан кулемсиради Рашид ҳам,— лекин гўштим шўрроқ-да.

Рашид атайин гапни чўзарди. Вақтдан ютмоқчи эди у. Буларнинг қўлидан қандай қутулиб кетиш чорасини ўйлаб топиш учун вақт керак энди унга.

У ҳамон аста-секин орқасига тисариларди. Мана кураги деворга тегди. Тамом, ортиқ чекинишининг иложи йўқ эди.



Эргаш РАИМОВ

Рашиднинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Сатторхўжа, онаси худди бўгиб ташламоқчидек унга яқинлашарди. Аҳрорхўжа бўлса, ойиси билан акасининг нима қилаётганига тушунмай бақадек қотиб қолган эди.

Сатторхўжа билан онаси унга бало-қазодек ташлашишди.

— Ҳа, жувонмарг, қалайсан, қўлга тушдинми? Учаласи бир зумда Рашиднинг қўлини орқага қайиришди. Кейин оёғини ерга теккизмай уриб-сурив олиб кетишиди. Бир ҳужрани эшигини очишида, ичкарига итариб юборишди. Рашид мункиб бориб, алланарсага тарақ этиб калласини урди.

— Мана шу ердан ўлигинг чиқади! — улар эшикка шарақлатиб қулф солишиди.

Рашид ўйлай бошлади. Қандай қилиб қочиб кетса бўларкин? Деворни тешса бўлмасмикан? Йўқ, билиб қолишади. Эшик қулф, дераза панжарали... Йўқ, бу ердан одам боласи қутулиб кетолмайди. Паша бўлганда бошқа гап эди. Бирор ёриғданми, тирқишданми ўрмалаб чиқиб кетарди. Бирдан Рашиднинг пашша бўлгиси келиб кетди. Оҳ, қанийди шу тобда бир думалаб пашшага айланиб қолса, Маза бўларди-да. Гув этиб чиқарди-кетарди.

«Ҳар ҳолда шу ерда ўлсам керак. Ўлигимни қопда обчиқиб кетишармикан? Менимча қопга солиб, ярим кечада...»

Бирдан Рашиднинг кўзига онаси, дадаси, синглиси Фаридга, ўртоги Рустам, милиционер Али амаки кўриниб кетди. Ахир улар Рашиднинг қандай азоб билан ўлганини, ким ўлдирганини билмайди-ку! Нима бўлганда ҳам уни кимлар ўлдиргани ҳақида хат ёзиб қолдириш керак. Лекин нима билан ёзади. Қоғоз-қалам йўқ-ку! Бирдан Рашиднинг калласи ишлаб қолди. Қони билан ёзса-чи, ахир бу қаҳрамонлик-ку! Илгариги қаҳрамонлар ҳам зинданда, қамоқда ётганда ўз қони билан васиятномалар ёзиб кетишган-ку! «Бурнимга бир уриб қонатсаммикан? Бурнимга урсам оғрийди, унинг устига ҳамма қоним оқиб кетса, хат ёзолмай ўлиб қолишим ҳам мумкин». Яххиси қўлини кесади!

Рашид секин қўлига қаради. У тўполонда Сатторхўжанинг кўйлагидан юлиб олган латтани ҳамон қисимлаб ўтиради. Латтани жирканиб отиб юборди. Ерга латта билан бирга фижимланиб кетган битта қофоз ҳам тушди. «Ие, у нима экан?» Рашид қоғозни қўлига олса конверт. Э, у жон ачифида Сатторхўжанинг кўкрак чўнтагини хат-пати билан юлиб олган экан. У шоша-пиша бужмайиб кетган конвертни очган эди, ичидан хат чиқди. Хат худди биринчи синфга янги борган бо-



лаларнинг ёзуvidай ажи-бужилиги ва ҳужранинг қоронғилигидан уни аранг ўқиди. Бу Сатторхўжанинг дадасидан, қамоқдаги Жавлонхўжадан келган хат бўлиб, салом-аликдан ташқари унда қуйндаги сўзлар ҳам бор эди: «Оқ мушук ёки тарғил мушукни сўйиб менга худойи қилиб юбор. Шу худойи билан мушкулим осон бўлса! Худойини, албатта, Юсуфхўжа маслаҳати билан қилгин».

«Ие, мушук сўйиб ҳам худойи қилар эканми? Мушукнинг гўштини ким ер экан?» Рашид «вой тулкилар-еъ» деб лабини бурди-да, қўлини кесиш учун яроқли нарса қидириб, ҳужрани яна тимирскилай бошлади. У ёқни қаради, бу ёқни қаради, ҳеч нарса тополмади... Энди нима қилсам экан, деб турган эди, бирдан кўзи

бурчакда турган эски столга тушди. Бориб галадонни тортди. Галадонда ҳар хил парча-пурча қоғозлар қалашиб ётарди, қоғозларни титкилаб ичидан жимжилок-дайгина учи тўмтоқ қаламча топиб олди. Рашид гўё бир қоп тилла топгандай севиниб кетди. Қаламни тиши билан ғажиб, учини чиқарди. Қўлидаги хатнинг орқасига ёза бошлади: «Дадажон ва ойижон, мендан рози бўлинглар. Мен Сатторхўжаларнинг ҳужрасида қаҳрамонларча ҳалок бўлдим. Мени қийнаб, азоблаб ўлдиришди. Ойижон, мен сизни кўп хафа қилган эдим, шу билан бирга анча калтагингизни ҳам еган эдим. Сиздан илтимос мени доимо уриб юрадиган ўқлогингизни музейга топширсангиз, тагига: «Қаҳрамон Рашид Нурматов мана шу ўқлогида ажойиб ва ғаройиб калтаклар еган» деб ёзиб қўйишин.

Меҳрибон синглум Фарида! Мен ўлдим. Агар тирик бўлганимда сени сира хафа қилмасдим. Афсуски, ўлиб кетдим. Лекин билиб кўй, тунов кунги Алимардон аканинг олмасидан ўғирлаганимни бировга айтсанг, дабдалангни чиқараман. Яна сендан битта илтимос, катта бўлганингда эрга тегсанг, албатта, Рустам ўртоғимга теккин. Мени эслаб юрасизлар.

Қадрдон оғайнижон, Рустам, ҳозир ўлиб ётиб сени ўйлаб кетдим. Сен чинакам дўст ва ақлли бола эдинг, мени унутма, агар аълоҷиман, дономан, деб гердайиб кетадиган бўлсанг, билиб қўй, мен ҳам сени унутиб юбораман ва иккинчи башарангга қарамайман. Бобом ҳақидаги хотираларни тўплашни ўзинг давом эттири. Ҳа, ростдан математика ўқитувчимизга айтиб қўй, менга «иккى» қўйиб юрадиган ручкасини музейга топширсин. Тағин менга ҳайкал ўрнатамиз деб овора бўлиб юрманглар. Агар иккаламизга бирга ўрнатишса ноилож розилик билдираман. Хатимни ўқиб асло йиғла-ма. Агар йиғлаганингни эшитиб қолсам, ўқишга боргандা ҳамма синфдош қизларнинг ичидан шармандангни чиқараман. Дўстим менинг ушбу хатимни липпам-

дан топасизлар. Хайр, кўришгунича, азоб-уқубатлар билан ўлган дўстинг: Рашид Нурматов».

Рашид хатни буқлаб-буқлаб липласига қистириб қўйди. Кейин бошини чанглаб ўтирганча бобосини ўйлаб кетди. Бобоси қандай одам эди-я! Қандай қаҳрамонликлар кўрсатган эди-я! Афсуски, бобоси ҳақидаги хотираларни, эсадаликларни тўплай олмади. У яқинда учрашганда Омонулло маҳсум айтиб берган бир воқеани эслади. Бобоси унда ёш, навқирон, инқилобчи йигит эди. Кечаси унинг уйини кимлардир босиб қолди. Бир зумда оғзига латта тиқиб, қўл-оёғини боғлаб отга ўнгаришганча олиб кетишли. Бир маҳал у ўзини Нортўра бойваччанинг меҳмонхонасида кўрди.

— Олиб келдим, Тўра ака!

Бу қаҳрамонлигидан гердайиб турган Тўланхўжа эди.

— Большовой! Тўртинчи! Уни тириклайн кўминглар. Чуқурни ўзи кавласин! — буйруқ берди Нортўла бойвачча. Замоналини Тўланхўжа бошлиқ иккита йигит олиб чиқиб кетишли. Уни Нортўра бойваччанинг чорбоги этагига олиб боришди. Қўлига кетмон беришли.

— Мана шу деворнинг тагидан ўзингга чоҳ кавла!

Замонали ерга кетмон урган эди, кетмон сапчиб кетди. Ер заранг эди.

— Сал наридан кавласам майлими? — сўради Замонали.

— Майли, истаган ерингдан кавла, — «хе-хе-хе»лаб кулди Тўланхўжа. Замонали деворнинг тагини мўлжаллаб нари кетди. Бир жойга борганда тўхтаб қолди.

— Мана шу ердан кавлайман, — деди у ортида турганларга.

— Кавлайбер, лекин тезроқ! — ортида турганларнинг оғзидан бўза ҳиди анқирди.

Замонали ғайрат билан ишга тушиб кетди. Ер юмшоқ эди. Ҳар кетмон урганда гуппа-гуппа тупроқ

отарди. Ярим соатга қолмай у деворга қапишириб чўзинчоқ чуқур кавлади. Чуқур киндигидан келганда:

— Бўлди, — деди.

— Бўлган бўлса, ёт, жаноза буюрмаган кофири!— бўйруқ берди Тўланхўжа. Замонали чуқурга узала тушиб ётди. Икки йигит «хо-хо»лаб у унинг устига тупроқ ташлаша бошлади. Улар бир зумда чуқурни кўмиб ташлашди. Кейин устига чиқиб, бир-икки тепишди-да, келган йўлларидан Нортўра бойваччанинг меҳмонхонасига жўнашди. Замонали шу воқеадан сўнг икки соат ўтмаёқ Омон маҳсумнинг уйидаги пайдо бўлди. У дўстига бўлиб ўтган ҳангомани кула-кула ҳикоя қиласарди.

— «Чуқурга ёт» деди. «Ётдим». Устимга кетмонлаб тупроқ ташлаша бошлашди. Етти-саккиз кетмон тупроқ тушгач, секин олдинга силжий бошладим. Қарабсанки, деворнинг нарёғидаман-да! Эшишиб турибман улар гуппа-гуппа тупроқ ташлашарди... «Инграмайдиям, баччағар» дейишарди бир-бирларига ғўнғиллашиб. Чуқурният ҳув ўша сув ўтадиган омборга тўғрилаб кавладим-да! Омон!

— Чиқиб кетганингни сезишмадими?

— Э, қаёқдан сезишади, учаласи ҳам ўлакса маст эди. Қани отлан! — у ҳайратдан қотиб қолган Омонулла маҳсумга бўйруқ берди. Беляев отрядига хабар берамиз.

Уша куни ярим кечаси Нортўра бойвачча бошлиқ босмачиларга ёрдам бериб юрган ўндан ортиқ казо-казо бой ва бойваччалар ўлардай маст ҳолатда қўлга олинган эди. Замоналини кўрган Тўланхўжа эса ўлган одам тирилиб келганини биринчи марта кўриши эканими, қўрққанидан тили калимага келмай, шайтонлаб қолган экан:

— Тўланхўжа бойни бу ёқса олиб келгин деб, у дунёдан мени олдингизга юбориши, хўжайин!— деб

Замонали ўшанда отряддагиларни кулдириб ичагини узган эди.

Рашид ўзи билмасди. Бобоси шу тобда унинг қалбida умид учқунларини ёққан эди. У «қандай қилсам бу ердан қочиб кетишим мумкин» деб ўйларди.

Инсон боласи ҳар балога чора тонар экан. У сапчиб ўрнидан турди. Темир панжаралы кичкина деразадан секин ҳовлига қаради. Ҳовлида ҳеч ким йўқ, жимжит эди. Оёқ остида ўралашиб ётган бир ўрам канопни қўлига олди, кейин бурчакда айқаш-уйқаш бўлиб ётган ёғочлардан учтасини танлади. У бир пасда полизларга қўйиладиган қўриқчи «одам» ясади. Ботинкасини ҳам, шимини ҳам қўриқчи «одам»га кийгизди. Қўйлагини ҳам қўриқчига берди. Бирпастда қўриқчи «одам» Рашидинг ўзи бўлдн-қолди.

У ҳар эҳтимолга қарши яна деразадан қаради. Ҳовлида зоғ ҳам йўқ эди. Рашид бурчакда бир-бирининг устига уйиб ташланган яшиклардан бирини кўтармоқчи бўлганди, у жуда оғир экан. «Ичидা нима бор экан» деб қопқогини кўтарди. Фиж-фиж янги китоблар. Ҳаммаси еттинчи синф дарслклари. Боғлам-боғлам тахланиб турибди. «Э, бу Аҳорхўжа бойпинг бозорга олиб чиқиб сатаётган китоблари бўлса керак». Рашид ўзига керакли китоблардан бештасини танлади. «Бояги эски китобларимнинг ўрнига, бештага бешта». У бешта китобни каноп билан боғлаб эшик томондаги бурчакка қўйди. Кейин яшиклардаги ҳамма китобларни олиб ташлади. Бўш яшикни кўтариб деразанинг олдига олиб келди. Ҳовлига бир назар ташлади-да, кейин қуёндек бир сакраб эшикнинг устига чиқди. Йўқ, бир оз пастлик қилди. Устига тагин бирор нарса қўйиш керак. У ҳужрани яна кўздан кечира бошлади. Ҳув апави қопнинг тагида тургап яшикча-чи? Рашид яшикнинг устидан қопни аранг сурди. Унинг ичи тўла увада эди. У увадаларни олиб отиб юборди. Рашид ҳайратдан бир зум анқайиб қолди. Яшикнинг тагида иккита мушук

ётарди. Мушукларнинг бири оқ, бири тарғил. Булар ҳақиқий, жонли мушуклар эмас, одамлар токчасига, шкафига қўйиб, ичига танга ташлаб йиғадиган чинни мушуклар эди. Бирдан Рашиднинг эсига бояги хат тушди. «Оқ ёки тарғил мушуклар»... Ҳар ҳолда бу мушукларда бир сир бўлса керак. Рашид мушукларни силтаб кўрган эди, ичи шириқ-шириқ қилди. «Пули борга ўхшайди. Олиб кетсаммикан, биронни пулини-я! Ушлаб олса-я, йўқ олиб кетаман, Али амакига кўрсатаман». Рашид мушукларни ҳам олиб бориб бешта китоб ёнига қўиди. Кейин яшикчани яшик устига қўиди. Бир зум ҳовлини кузатди. У секин бурчакда турган қўриқчи «Рашид»нинг олдига борди. «Оғайни, хафа бўлмайсан, энди сени осаман», — деди унга илжайиб. Кейин шартта уни кўтариб келди-да, деразанинг тепасида турган михга осди. Ўзи лип этиб пастга тушди, дарров яшикларни олиб ташлади.

Кейин бориб секин деразадан қаради. Ҳамон ҳеч кимнинг қораси кўринмасди. Бир маҳал Аҳрорхўжага қўзи тушиб қолди. Рашид ёғоч билан осиғлиқ турган қўриқчи — «Рашид»ни туртиб юборди. У лапанглаб, тебраниб кетди. Рашид писиб эшик олдига келди-да, тўсатдан худди бўғилиб ўлаётган одамдай бўкириб юборди.

— Үлдим!!! Үл-лл-дим! Хир! Хирр!

Бирдан ташқарида оёқ товуши эшилди.

— Ойи, анави ўзини осиб қўйибди! Ойи!!!

Бу ўтакаси ёрилиб кетган Аҳрорхўжанинг овози эди. Бир зумда ҳовли тўс-тўполон бўлиб қолди.

— Ойи, эшикни очинг!

— Қалит қани?

— Үзингизда!

— Йўқ, сенда эди!

— Ҳа, менда экан, мана!

Булар жон талвасасида қолган Сатторхўжа билан ойиси эди.



— Бошимга нима бало орттирдинг, қандай кунларга қолдим! — ойиси талвасада қулфга қалит сола бошлади.

Бу пайт Рашид бир қўлида боғланган бешта китоб, қўлтиғида иккита мушук, ялангоёқ, майкачанг, юраги гуп-гуп уриб, шундоққина эшик тагида пайт пойлаб турарди.

Бирдан эшик очилди. Сатторхўжа, Аҳрорхўжа, ойиси жон ҳолатда ўзларини ичкарига уришди. Бири китоб, бири тахталарга қоқилиб ағдарилиб тушди. Рашид вақтни қўлдан бой бермай эшикдан лип этиб чиқиб кетди. Остонадан сал нарида турган Аҳрорхўжа:

— Вой, ана, қочди! — деганча қолаверди.

Рашид дарвозадан чиқиб, нимагадир қоқилиб, мункиб учуб борарди. У муюлишга етганда орқасига қа-

ради. Сатторхўжа, Аҳрорхўжа, ойиси дод солиб қувиб келарди.

— Ўғрини ушланглар, мусулмонлар!!! Вой-дод-дод! Ўғрини ушланглар! Мусулмонлар! Мушугимни ўғирлаб кетяпти! Ўн минг сўмлик мушугим!..

Бу дод-войга одамлар уйларидан югуриб чиқишиди. «Мушугим, ўн минг сўмлик мушугим!» сўзини эшитиб «бечора, бу хотин жинни бўлиб қолибди» деб ўйлашиди-ми, бир-бирларига қараб, афсуллангандай бош чайқаб қўйишиди. Сатторхўжанинг ойиси эса борган сари уввос кўтариб, дод солиб йигларди.

— Мусулмонлар!!! Ўн минг сўмлик мушугим!..


Бу овоз худди Рашиднинг қулоғи остида эшитилгандай бўлди. Уни Сатторхўжаларга қўшилиб бошқа одамлар ҳам қувиб келишарди. Рашид катта кўчага чиқиши билан ғувиллаб келаётган машинага кўзи тушди.

— Амакиҷон! Амакиҷон! Тўхтанг, тўхтанг!!! — де-ди у ўўлнинг ўртасига туриб олиб. Машина қаттиқ тезликда келаётгани учун сал нарига ўтиб «ғийқ» этиб тўхтади. Рашид жони борича машинага югурди. Ортидан йигирма-ўттиз метр нарида эса уни одамлар қувиб келишарди.

— Мени олиб кетинг, мени қутқаринг, амакиҷон, ҳозир ўлдириб қўйишади!! — У жон ҳолатда ўзини машинага урди. Рашидни машинага олишди.

Машина милицияники эди!

* * *



Сафар БАРНОЕВ

Милиция машинасини кўриш билан Сатторхўжа орқасига қараб қочди. Ойиси бу пайтда ўзини қўшни жин кўчага уриб қолганди.

Боядан бери уларга эргашиб, чопиб келаётган одамлар ҳеч нарсага тушуммай йўлнинг ўртасида қаққайиб қолишиди.

Рашид анчадан кейин ўзига келди. Мушукларни маҳкамроқ бағрига босди. Беихтиёр кулиб қўйди. «Сен бобонгга тортгансан» деб одамлар бежиз айтмаган экан-да. Айниқса Омонулла маҳсум.

Мана бобосига ўхшаб бир ўлимдан қолди. Қолгандэ ҳам... Ахир бобосининг Ориф шапка деганин болагани ҳам чакки бўлмаган. Омонулла маҳсум ўшанда бобоси билан бирга бўлган экан.

...Бобонг тиниб-типчимас, ўрни келганда қизиқчиликни ҳам кифтига келтиради.

Колхоз тузишга киришилган йиллар эди. Бобонг билан иккаламиз ер ўлчаш, от-уловни ҳисобга олиш билан бандмиз. Қишлоқда иш кўп. Янги тузилган хўжаликларда ҳали у етишмайди, ҳали бу. Айниқса саводли одам. Қишлоқ раисларининг кўпчилиги ё саводсиз, ё чаласавод.

«Қизил кетмон» деган колхозда бўлган ҳангома сира-сира кўз олдимдан кетмайди. Колхознинг раиси мўмин-қобил, батракдан чиқсан одам. Уни бобонг ҳам яхши танирди. Лекин омборчиси анча қув одам экан. У шу атрофда Ориф шапка номи билан машҳур эди. Ориф шапка дейилишининг ҳам тарихи қизиқ. Қачон у билан суҳбатлашманг:

— Биз биринчи бўлиб шапка кийганларданмиз, буни шўронинг ўзи ҳам билади,—деб сўз орасида қистириб ўтади. Лақаби ана шундан келиб чиқсан.

Ориф шапка омборни қабул қилиб олгандан кейин орадан бир оз вақт ўтар-ўтмас, колхозчилар орасида норозилик бошлиди. Унинг дастидан арз қилмаган киши қолмади.

— Ё шапка колхозда қолсин, ё биз,— дейдиганлар кўпайди.

Бобонг билан иккимиз бу келишмовчиликнинг сабабии билиш, олдини олиш учун «Қизил кетмо»га йўл олдик. Бобонгдан:

— Район раҳбарларига учраб ўтайлик,— десам:

— Шундай ҳам сўзимизни олишади,— деди.

Намозгарда етиб бордик.

Омбор олдида катта-кичик уймаланиб юрибди. Омбор эшиги қулф. Ориф шапканни сўрадик.

— Раисникида,— деди жун қоп кўтарган йигит. Ҳамма бизга қараб қолди. Район раҳбарлари деб ўйлашдими, жонланиб кетишли.



— Шапканинг танобини тортадиган одам борми-йўқ-ми ўзи?

— Қачонгача унинг қовоғи очилишини кутамиз?

— Үлсак ўлиб бўлдик бунинг дастидан. Бошимиз қотиб қолди.

— Раиснигига борамиз, — деди бобонг. Раиснигига йўл олдик. Арз-дод қилганлар орқамиздан қараб қо-лишди.

Раиснигига етар-етмас Ориф шапканинг ўзи кўринди. Олдинлари эътибор бермаган эканманми, ҳозир Ориф шапка кўзимга ғалати кўриниб кетди. Калласи катта. Кўзлари ҳам айқ кўзидек совуқ. Панжалари узун-узун. Бобонг дарров мақсадга ўтди.

— Орифбой, халқни ранжитаётган экансиз.

— Ҳа, тафтишга келдингизми, бир сиз етмаётган-дингиз! Бу очкўзларни тўйдириб бўладими?

— Ҳай-ҳай, қизишманг, ҳақини талаб қилса очкўз бўладими!

— Буни менга ўқитманг. Омборни менга давлат ишониб топширган. Сиз инқилобчи бўлсангиз, мен ҳам иш кўрсатганман. Бухоро амирини Фиждувонгача қувиб борганиман. Шапка кийганман. Советти ишини қиляп-ман.

Иккаласининг гапи сира қовушмади. Ориф шапканинг эса ён босиши жуда қийин. Ҳафсалам пир бўлди.

— Район раҳбарлариiga учрашишимиз шарт, — де-дим.

— Бари бир, унинг кўзини очиб қўяман,— деди бо-бонг.

Замонали ишга жон-жаҳди билан киришадиганлардан эди. Эртасига ҳамма ишни қўйиб район раҳбарларидан бирига учрадик. У арзимизни тинглаб:

— Ҳўш, нима демоқчисизлар?— деди белидаги тас-масини тузата туриб.

— Инсофли бўлсин-да, ўртоқ Хўжамов, — деди бо-бонг.

· Бизнинг ҳам қулоққа чалиниб туради, лекин на-
...
— Хўш-хўш?

— Ахир колхозда Ориф акадан бошқа ҳисоб-китобни биладиган саводли одам йўқ. Ушлаб туришга мажбурмиз. Истасанглар, бугундан эътиборан, сизларни ана шу колхозга вакил қилиб жўнатамиз. Кўз-қулоқ бўлиб турасизлар.

Мендан олдин бунга Замонали кўнди. «Қизил кетмон»га бордик. Иш қизиб кетди. Эртадан кечгача дала-да юрамиз. Далага чиқмаганларни рўйхатга оламиз. Иккаламизга идора ёнидан бир ҳужра ажратиб беришган. Ориф шапка бизларни ҳар кўрганда:

— Қийналмаяпсизларми, нима керак бўлса, тортин-май айтаверинглар, — деб қўяди.

Унинг бу мулозаматини бобонг ҳам, мен ҳам «қўлларингдан нима иш келарди» деган маънода тушумиз. Минш-мишларга қараганда Ориф шапка яrim кечаларда омбордан ул-бул олиб кимнингдир уйига элтиб бераркан. Кимникига? Бу номаълум эди.

— Яхши баҳона, — деди бобонг, — уни қўлга тушириб, бир таъзирни берамиш.

— Қандай қилиб, кечаси йўлини пойлаб чиқамизми?

— Ўнга ўзини танитадиган аҳмоқ йўқ.

Бир кеча Ориф шапка ўтадиган йўлни пойладик. Ўтиш вақтини билиб олдик.

Эртаси яrim кечада бобонг сенга томоша қўрсата-ман деб икки қишлоғни боғловчи кўприк томон бошлиди. Яна қандай каромат кўрсатаркин, деб қизиқдим. Икки қишлоқ ораси — тўрт-беш чақиримча йўл. Бир томон юлғунзор. Иккаламизнинг ҳам қулогимиз динг. Шу пайт:

— Ёт, келяпти, — деди бобонг. Ерга ёпишиб олиб унга қарадим. Замонали оқ матони белидан чиқариб олиб унга ўранди. Аиграйиб қолдим. Кўйлаги остидан қачон уни ўраб олдийкин?

Узоқдан эшак дўпири эшишилди.

Қулоқ тутдим. Бу Ориф шапка эди. Кўприкка тобора яқин келяпти. Замонали бу пайтда кўприкда узала тушиб оқ матога ўраниб ётарди. Юрагим гуп-гуп уради. Масофа борган сари қисқаряпти. Беш қадам, тўрт қадам...

Ориф шапка эшагини жадаллатиб келяпти. Тишимни тишимга қўйиб кузатиб турибман. Ориф шапка оқ матога яқинлашди-ю, бирдан:

— Вой дод!— деб эшакдан учиб кетди. Устига нимадир агдарилиб тушди, эшак юлғунзорга ўзиниурди...

Иккаламиз баравар унинг бошига бордик. Ориф шапканинг белини бир қоп буғдой босиб ётарди. Шапкаси эса учиб кетган. Ўзи тириқ, лекин беҳуш.

— Энди нима қиламиз? — дедим.

— Қопни кўтар, — деди бобонг. Кўтардим. Қўз тушмас жойга яшириб қўйдик. Бобонг шапкани юлгин чўпига илиб олиб,— Кетдик, ўзига келгандা жўнаб кетади,— деди.

Шу келишда шапкани омборнинг кўринарли жойига илиб ётоғимизга қайтдик. Ечиниб ётай десам, калишим йўқ...

Эрталаб дув-дув гап тарқалди. «Ориф шапкани жин урибди».

«Шапкасини омборга илиб кетибди. Ўзининг оғзи қийшайиб қолибди. Жин эмас, арвоҳ бўлса керак...».

Замонали бўлса уларга қўшилиб куюнади:

— Эҳ, бечорага ёмон бўлибди-да!

Кўргани бордик, Ориф шапка кўрпа-тўшак қилиб, бир ахволда ётибди. Лаби-лунжига учиқ тошиб кетган. Шу куни бўлган гапни колхоз аҳлига ошкор қилдик.

Кўргани борганимиз қуруқ бўлмади. Йигитлар унинг уйидан бир неча қоп дон-дунни аравага ортиб қайтишди. Ориф шапка эса кўп ўтмай қишлоқдан ғойиб бўлди.

Рашид бобосининг, махсумининг ҳикоясини эслаб, тиция бўлинмасига қандай етиб келганини билмай қолди.

— Туш, чемпион, — деди милиционер кабинани очаркан.

Боғлоқлик китобини милиционер, иккала мушукли иккала қўлида ушлаган Рашид изма-из милиция бўлинмасига кириб боришиди. Бўлинмада одам кўп эди. Рашид омонатгина скамейканинг бир чеккасига ўтиргди. Ҳамманинг кўзи унда. Рашидинг безовталанганини кўрган милиционер унга:

— Ҳозир, — деди. Рашид унинг қолган гапини эшитмади. Мушукларни маҳкамроқ бағрига босди.

Ўзи бир иш юришса, юришавераркан-да. Бир маҳал бундоқ қараса, қархисида Али ака кулиб турибди. Милиционер унга бир нима деб тушунтириди.

— Биламан, бу болани,— деди Али ака. — Кейин Рашидга юзланди. — Яна нима ишлар қилиб юрибсан?

— Ўзим... китоб олгани бориб...

Рашид бошидан кечирганларини бирма-бир айтиб берди. Энди Али акагина эмас, бошқалар ҳам унинг оғзига қараб қолишганди.

— Кейин нима бўлди?

— Манави мушукларни олиб қочдим. Булар ўн минг сўмлик мушуклар. Буни биттасини сўйиб худойи қилишса-чи, Асрорхўжанинг дадаси қамоқдан чиқармиш.

Кулги кўтарилиди. Бошини эгиб ўтирган одамлардан бири мушукларга ҳайратланиб тикилди.

— Қани бер-чи, ўн минг сўмлик мушукларингни, оҳ-ҳо, жуда оғир-ку.— Али ака мушукларни оғирлигини қўлда салмоқлаб кўрди. Гапни чўзгиси келмадими, темир сандиқقا солиб беокитиб қўйди.

— Ўн минг сўмлик мушук дедингми?

— Ҳа, жуда қиммат.

— Мушуги ўн минг сўм турса, ит неча пул тураркан?

— Қоғоғон ити бор экан, яқинига ҳўлаш қийин.
— Яқинига борганингда олиб қочармидинг?
— Ие, у тирик ит-ку!

— Мушук эгалари билан эртага батафсил гаплашамиз. Энди олдимга туш. Уйингга олиб бориб қўймасам, уйингдагилар сени сўрайвериб...

Кажавали мотоциклда улар йўлга тушиши. Али ака мотоциклни секин ҳайдаб борар экан, Рашидга юзланди.

— Сени бир хурсанд қилмоқчиман, лекин талтайиб кетма.

— Нимага?

— Сени милиционерлар кунида телевизорга олиб чиқмоқчиман. Ўзингдан сўрамай «Милициянинг ёш дўстлари» клубига ҳам аъзо қилиб қўйдим. Хурсандмисан?

Рашид жилмайиб, бошини қимирлатди...

Али ака уни эшиги олдида қолдириб қайтди.

Рашид мотоциклдан тушишга тушди-ю, боши қотиб қолди. Нега Али ака у билан уйга кирмади? Еки уйдагилардан хафамикан?

Биринчи масала уйга кириш. Лекин қандай қилиб? Қошки уйдагилари уни қучоқ очиб кутиб олишса. Айпиқса, шу ойиси қизиқ-да. Үлимдан қолганига тўй қилиб берса арзиди. Қани, энди ҳозир уйга кириши билан «вой, сени ҳам омон-эсон кўрадиган кун бор экан, болагинам», деб бағрига босса. Юз-қўзларидан ўпаверса-ўпаверса. Үлимдан қолишнинг ўзи бўладими?

Ойиси пойлаб турган бўлса керак. Қўриши билан косовини қўлига олади. Маҳмадана Фаридага жон киради. Мушукнинг ўлими сичқонга тўй деганлари шуда. Бир кеча Рустамнинг уйига бориб ётса нима қиласди?

Бобосига тортгани яхши-ю, уйга кириш қийин-да.

Ёлғиз бола бўлганам маъқул экан. Қаёқданам сингил бўлиб ўша Фарида турилди. Умуман ука бў-

либ туғилгани дуруст-да! Ака-укалар бир-бирини тушунади. Фаридага ўшшаган сингил ҳеч қаерданам тошилмаса керак. Қелиб-келиб ойисиям мана шунинг гапига киради. Акаси ҳақида оғиз очганда оғзига уриб турса бўлмайдими?

Рашид боғлоқлик китобни олдига қўйди. Чуқур хўрсанди. Майкасини тўғрилаган бўлиб, липпасини ушлаб кўрди. Липпасидаги васият хат-тушиб қолганди. Омад бир кетса кетавераркан-да. Агар хат Сатторхўжанинг қўлига тушган бўлса равсо бўлди. Борди-ю, ўч олиш учун хатни мактаб йўлидаги симёғочга ёпиштириб қўйса-чи. Бутун шаҳар ўқийди. Шарманда бўлади. Қейин унинг отини Рашид эмас «Тирилди» қўйишади. Тирилди қўйишадими, ўлдирилди қўйишадими, биринчи галда уйига эсон-омон кириб олса, у ёғини ўзи билади... Уйлаб юрган машинасини ихтиро қилишга киришади.

Рашид у ёқ-бу ёғини тўғрилаб, уйига киришга қарор қилди. Баҳтига эшик ҳам очиқ экан. Ошхонага қаради. Ҳеч қим йўқ. Тезликда бориб косовни яширди, энди бир илож қилиб дарсхонасига кириб олса бўлгани. Кеча алмаштирган кийимлари турган бўлса шартта кийиб олади. Индамасдан дарс тайёрлашга ўтиради. Уйдагилари сўраса, «кўрмаяпсизми, китоб ўқияпман», деб жавоб беради.

Бир амаллаб дарсхонасига кириб олди. Юраги дук-дук уради. Ҳеч нимани кўрмаса нимадан ҳам кўрқаркин-а. Рашид китобларини стол устига ёйиб қўйди.

У оёқ учила даҳлизнинг бурчагидаги катта уй томон юрди. Ёнгир-ёнгир товуш эшитилди. Эшик орқасига липиллаб, ўтиб, деворга қапишиб олиб қулоқ тутди.

Ие, ҳаммалиги уйда экан!

— Сиз ҳаммасига айборсиз, ўғлингиз қулоқсиз бўлиб ўсяпти. Ўлар бўлсан ўлиб бўлдим унинг дастидан. Эшикдан қувсанг, тешикдан киради-я. Ота бўлиб

бундоқ тергамайсиз, сўкмайсиз. Сўрамай-нетмай Мар-
филонга ҳам бориб келди.

Бу ойиси эди.

— Ада-чи, ада, Рашидийиз бувам ҳақида журнал-
га ёзармиш.

Ҳа, тилинг кесилгур, сингил ҳам шунаقا маҳмада
дона бўладими. Нима бўлса бурнини суқади. Уни ас-
лида эртадан-кечгача ошхонага қамаб қўйиш керак.
Бир таъзирини есин.

— Бобоси ҳақида ёзар экан, мендан сўрамайдими,
бир қопини айтиб бераман.

Бу адаси эди. Адасининг сўзи қандай ширин. Жу-
да яхши одам, дарров унинг ёнини олади.

Рашиднинг кўнгли отасининг сўзидан ёришди. Эн-
диги асосий вазифа, тўғри уларнинг олдига кириб бо-
риш!

Таваккал, нима бўлса, бўлди деб Рашид остоңада
кўринди...





Ҳаким НАЗИР

Худди қаттиқ зилзила бўлгандай ҳаммала-ри бир қалқиб тушишди. Ҳаммадан кўра Сабор опанинг ҳаяжони ортиқ эди.

— Осмондан тушдингми, ердан чиқдингми, сен баттол! Афти-ангордингни қара, гўлоҳдан чиққандай тас-қара бўлиб кетибсан-ку, кўр бўлмагур қани, куйдирган калладай ишшаймасдан бу ёққа ўтири. — Анчадан бери ойисига тутқич бермаган Рашид, ҳозир ҳам ҳу-шёрликни йўқотмай, эҳтиёт учун эшикни каттароқ очиб кирганди. Ўнгитларча калта қирқилгаи қўнғиз мўйловини силаб илжайиб ўтирган дадасига кўзи тушгач, юраги дадилланди. Ойиси жаҳл билан унинг қўлидан тортганча ўз ёнига ўтказди, у қулоғию, бу қулоғидан чўза кетди. — Қаерларда сангид қулоғидан, ер ютмагур.

Рашидининг қулоқлари шолгом бўлиб ловуллар, жо-

ни ачиганидан тилига сўз келмас, йиғламоқдан бери бўлиб дадасига мўлтиаркан, буни кўриб ўзича хумордан чиққан Фарида:

— Ҳа, қалайсан, қўлга тушаркансан-ку! Йиғломийди кал-кал! — деб калака қиласарди.

Рашид алам ичидаги ўйларди: у шундай, бир баҳона топсинки, уйдагиларнинг ҳаммаси дарори уни кечира қолишин, кечиришгинамас, унга ҳам қойил бўлишин. Ҳа, ҳар вақтдагидай ҳозир ҳам мияси яшин тезлигига ишлаб, тилига шу гап келди.

— Мени ҳадеб қийнайверманг, ойижон, юрган бўлсам, фойдали ишлар билан юрдим...

Санобар опа унинг гапини бўлди:

— Бекорларни айтибсан! Ярамасларга қўшилиб бошинг оққан томонга кетаверасан!

— Алдамчи! — деб ойисига қўшилиши Фарида.

— Бас, бас —деди кафтини столга уриб Нурмат ака. Шовқин босилгач давом этди. — Бугун ҳаммамиз йигилганмиз, жамоат жам. Оиласизнинг йиғилишини ўтказсак бўлади. Йиғилишга раис керак, кимни раис қилиб сайлаймиз?

Нурмат аканинг бу кутилмаган ғалати саволига Фарида пиқ этиб кулди. Бошқалар ҳам ҳайрон бўлиб кулгилари қистаб туришаркан, Санобар опа: Ўзингизда, деб қўйди.

— Барингиз шунга розимисиз? Ундаи бўлса шартим бор: раиснинг рухсатисиз ҳеч ким чурқ этмайди. Биринчи сўзим Рашидга. Дастрраб, кийимингни ўзгартиб кир. Йиғилишга чиннидай келинади.

Рашид, унинг кетидан бувиси даҳлизга чиқишаркан, Нурмат ака хотиини билан қизини огоҳлантирди:

— Ҳа, деб дакки бераверманлар. Ўзи кейииги кунларда неча чириққа тушиб хўпам таъзирини еб келгап. Йўлда одамлардан эшишиб олганман. Сўраб кўрайлик-чи, очиғига қўчадими ё мени ҳам алдайдими?..

Ювениб, янги кўйлак-иштонини кийиб, ўсиқ сочла-

рии наридан-бери ўнг чеккасига тараганча Рашид қайтиб кирди.

— Ана энди эшитамиз. Қани, айт-чи, сен уйингда-гиларга билдиrmасдан, баримизни хавотирга солиб, нима ишлар қилиб юрибсан?

Рашид гўё мажлисда сўзга чиқаётган одамдай томогини қириб, ўзини кулиб юборишдан аранг тўхта-тиб олди-да, қўзларини аланг-жаланг қила бошлади:

— Биринчидан...

— Биринчидан — ғоз турилсин, иккинчидан — шифт билан деворларга алангламай, раисга қараб сўзлансин!..

— Хўп бўлади. Мен янги ўқув йилига тайёргарлик кўриб, аллақаёқлардан китоб олиб келдим.

— Иннайкейин-чи?

— Иннайкейинми, ҳа... Бувамнинг суратларини топиб келдим.

— Қанақа сурат, қани?

— Аnavи дарсхонамда.

Мажлис тартиби бузилиб, ҳаммалари, раис ҳам гурра ўринларидан туришди-ю, дарсхонага ўзларини уришди. Ана столчадаги даста китобларга тиради бир парча сарфайиб кетган сурат турибди. Жангчилар орасида, яхтак устидан энлик камар тақиб олган, отнинг жиловини тутган одам Рашиднинг бобоси бўлади. Уйидагилар унга бутун диққатларини бериб тиқилишаркан ўз қўзларига ишонгилари келмасди. Чунки бундан қирқ-эллик йил бурун қанча иш кўрсатиб одамлар оғзига тушган бобо, ҳали жуда ёш, Рашиднинг адасидай кўринарди. Ҳа, унинг қўнгиз нусха мўйлови ҳам, қош-қўзлари, қирра бурни, жилмайиб туришлари ҳам ўғлининг ўзгинаси. Сурат қўлма-қўл ўтди.

— Буни қаердан олдинг,— ўғлим?— деди эндиғина ўзига келган Нурмат ака.

Рашид, буни бобосининг қадрдони Омонулла махсумдан вақтинча сўраб олганини айтди.

— Омонулла маҳсумни қаердан топдинг? Уни ким танитди сенга? — деди адаси таажжуби ошиб.

Рашид Рустам билан биргалашиб, Омонулла маҳсумни қандай топганини, бобоси ҳақида билиб олганларини сўзлай кетди... Нурмат ака, ўғлиниң бу ҳаракатлари «Гулхан» топширигини бажариш учун бўлганини билиб олгач, бошини сарак-сарак қилиб:

— Эҳ, нодон, мендан сўрасанг-ку, бобонг тўғрисида қанча нарса айтиб берардим. Шунга шунча овораи-сарсон бўлиб юришингнинг ҳожати йўқ эди.

— Сизнинг вақтингиз бўлмаса, дони йўлда юрсангиз, — деди Рашид ўзини оқлаб.

— Ҳой, маҳмадона, аданг йўлда қишилаб қолармиди. Кута қолсанг бўлмасмиди, ҳар ёққа бош урмай, бошвоқсиз ўлмагур, — дея ойиси яна қарғаб сиқтади.

Нурмат ака ич-ичидан зил кетди: «Ойисининг зориллаганича бор. Унга бўйин эгадиган бола эмас. Чинданам кўп вақт сафарда юриб, ўғилча билан шуғулланишга фурсатим бўлмаяпти. Бола «бошвоқсиз» қолиб, ўзи билган номаъқулчиликни қилиб, истаган кўчасига кириб кетяпти, бу кетишида оқибат нима бўлади. «Кейинги пўшаймон, ўзингга душман... деганлар...».

Нурмат ака суратни жойига қўйди. Оила аъзоларини катта уйга бошлаб, жой-жойларига ўтқазди. Энди тишининг оқини кўрсатмасдан, иложи борича жиддий тус олди-да, раисликни давом эттириди.

— Сенга ишонсак бўладими, Рашид?

— Пионерман-ку.

— Хўп, қани, пионерча виждонинг билан айтгин-чи, мен йўғимда яна нима балолар қилдинг?

Рашид адасини биринчи марта шундай жиддий қиёфада кўриши. «Демак, ишинг чатоқ, Рашидовий. Пионерлигингни юзингга солди, очиғига кўчмасанг бўлмайди, шекилли...»

Кейинги ҳафта у шунчалик кўп тентиради, шунчалик кўп бўлар-бўлмас ҳодисаларни бошидан кечирди-

ки, булар миясида айқаш-үйқаш бўлиб кетди. Калавасининг учини йўқотиб, гапини қаердан бошлашини билмай, серрайганча тураверди. Адасига бу терслик, қайсарлик бўлиб кўринди.

— Ҳа, қилғилиқларингни мендан яшириб кетмоқчи мисан? Яшириб бўпсан. Бозорларга нима учун айланишдинг, кимларга қўшилиб юрдинг? Милиция идорасига қанақа қилиб кириб қолдинг? Марғилонга ким, нега юборди сани-а?..

«Ўҳӯ, адамдан ҳеч гап қолмабди-ку. Кимлардан эшийтдийкин-а, буларни?»

Уғлининг гунг бўлиб ер чизиб ўтирганига чидомаган Санобар опа пишқирди:

— Аданг йўғида булбулигўё бўб сайрап эдинг-ку, қани гапирмайсанми, тилингни қарға чўқимагур!..

Шундоққина биқинга тикилиб ўтирган ойиси худди тарсаки қўйиб юборадигандай. Рашид ўзини четга сурди. Ғулдириб тили гапга кирди. У, нимаики қилган бўлса, тўғри кўнгилдан қилганини айтиб тураверди.

— Хўп, мен йўқ эканман, ойинг шу ердайди-ку. Нима учун қилган ишларингни унга айтмайсан, ундан рухсат сўрамайсан? Гапир!

— Бари бир, рухсат бермасдилар,— деди Рашид.

— Ҳа, овозинг ўчмагур!— Санобар опанинг тағин жаги очилиб келган эди. Шу чоқ эшикдан икки букилиб, қуюқ салом бериб бир хотин кириб келди. Хотин Рашидни кўриб ранги ўчди. Рашид уни таниди: Ҷавлонхўжанинг хотини!

Санобар опа меҳмонга дарров жой кўрсатди ва пиёлада чой тутди. Ҳаммалари: «Хизмат, меҳмон?» деб унга тикилиб туришаркан меҳмондан садо чиқмай, Рашидга қараб иккilonарди. Нурмат ака имо билан ўғлинни чиқариб юборгач, меҳмон тилга кирди:

— Узр, ўргулийла. Бемаҳал келиб безовта қилдим. Азбаройи, ноиложликдан айланаколийла...

Хотин чайнала-чайнала охир мақсадга кўчди: қа-

малиб ётган эрини қутқаришда ёрдам сўраб келибди. Бутун гап Рашидда эмиш. Ота-онаси Рашидни йўлга солишса, Рашид терговчига бориб бир оғиз гап айтса мушкуллари осон бўлармиш.

— Рашиднинг қўлидан қанақа иш келаркан, унинг нима алоқаси бор, бу ишингизга, меҳмон?

Хотин аллақандай мушуклар ҳақида сўз очди: ичига ўн минг сўмдан пул солинган икки ўйинчоқ мушук. Буни Рашид Жавлонхўжаникидан ўмарид келиб, милиция идорасига топширганмиш. Агар Рашид «Бу мушукларни кўчадан топиб олувдим» деса, маҳбуснинг иши анча енгиллашармиш, қутқаришга йўл очилармиш. Бу ақлга сифраси сўзлар уйидагиларни ҳангуманг қилиб қўйди, улар хотинга афрайиб қолишиди. Тағин бу хотин ақлдан озган эмасмикин? Иёқ, ақлдан озган эмас экан. Буларга ўзини яқин олиб, очилиб-сочишганча ялиниб ялпоқланди сўзининг кетини пишиқлади.

— Кўшни маҳалла, ота қадрдонмиз. Ҳаддим сиққанидан илтимосимни қайтармассизлар, деб келдим, ўргулақолийла, биз ҳам яхшиликни биладиган одамлармиз,— деди-да,— қўлтиғидаги шоҳи рўмолга ўралган тугунни аста стол ўртасига суриб қўйди.

Жувоннинг кимлигини энди билиб олган Нурматаканинг тишлари ғижирлаб буюмни эгаси олдига итарди.

— Бу ўзингизга сийлов, меҳмон,— деди оғир ботмайдиган қилиб, — Сиз айтган воқеа анча чигал кўринади. Билар-бilmас аралашсак бузиб қўйишимиз мумкин. Яхиси Рашиднинг ўзи билан суҳбатлаша қолинг.

Ховлида юрган Рашид адасининг товушини эшигган заҳоти дераза яқинига келди. Сўнг ойисининг сўзини баралла эшилди:

— Шунаقا сингилжон, ўғлимизнинг қилган ишидан биз тақир бехабар бўлсан, нимаям дея олардик. Иннай-кейин, ўғлимиз биздан сўраб иш қилмайди.

Санобар опанинг бу сўзларида ўғлини ерга уришдан кўра, кўтариш кўпроқ сезилиб турарди. «Бизнинг ойи

молодец. Энди менга ишонадиган бўлибди. Бу ҳам адамнинг таъсирида...»

Хотин, сувга тушган мушукдек шалвираб ҳовлига чиқаркан, Рашидни кўриб кўзлари ялт этиб кетди: Рашид ўзини анча босиб олган, хотинни сўроқларига жавоб бериш учун чоғланиб турганди.

— Ҳой, бўйларингга, қоқий,— деди хотин томогидан нафаси аранг чиқиб ва бисотидаги бор ширин сўзларни ишга солиб.— Мана, ўргулий ойинг билан даданглардан рухсат олдим, мен билан юра қолгин.

— Қаёққа? — деди Рашид кифтини қисиб.

— Ӯша мушукларни топширган жойингга...

— Қанақа мушуклар, холажон? — деди Рашид ҳеч нарса билмагандай.

— Бизнинг уйдан олиб кетганларинг-чи...

— Уйингиздан?. Рашид «мушукларни уйдан эмас, мени қамаб қўйган ҳужрангиздан олганман» демоқчи бўлган ерида сўзини калтароқ қилди.

— Уйингиздан ҳеч нарса олганим йўқ, холажон!

Буни жўрттага найранг қилиб айтган бўлса-да, хотинга негадир майдай ёқиб тушди.

— Вой оғзинга шакар, укажонимей! Шу сўзингни бориб терговчига айтсанг бўлгани.

Рашидга аниқ этиб борди, хотиннинг муддаоси. Ундан тезроқ қутулиш учун:

— Ҳозир жуда зарур ишларим бор, сиз бораверинг холажон, мен ўзим учрашаман, — деб қўйди. Жавлон-хўжанинг хотинидан силлиққина қутулганига Рашидгина эмас бутун оила аъзолари шуқур қилиб қолишиди.

Нурмат aka отпускага чиқди. Отпуска ичи «Бошвоқсиз» болани тузуккина жиловлаб олиш учун астойдил бел боғлади. Аввало, Рашидни уйда қаттиқ банд қилиш керак. Шуни «Гулхан»ни топшириғини бажартиришдан бошласа-чи? Албатта бу зарур ҳам фойдали иш бўлади. Бобоси ҳақида етарли материал тўплабди. Етишмаганини Нурмат aka тўлдириши мумкин. Шуни Рашидга

айтган эди. Нечундир Рашидинг қовурғаси қайиши. Рустам билан маслаҳатлашмоқчи бўлди. Эртаси мактабга борганда Рустамга «шу мақолани ўзинг ёза қолгин» деганида Рустам жеркиб солди:

— Ҳалинам судраб юрибсанни, латта чайнар бўлиб. «Гулхан»дагилар кутиб қолишди-ку, ахир. Ўз бобонг ҳақидаги мақолани ўзинг ёзганинг яхши-да. Редакцияга шундай деб айтиб қўйганман.

Рашидинг диққати ошди. Қандай қилиб «Гулхан»дай журналга мақола ёзиб беролсин. У неча турли ҳунар қатори журналистликка ҳам ҳавас қиласардику, аммо ҳавас бошқа, иш бошқа экан. «Холва деган билан оғиз чучимайди» дейишгани тўғри чиқди. Умрида мактаб ёки синф деворий газетасига ҳам бирон нарса ёзиб дўндирган бўлмаса! Хўп, бу ташвишдан ҳам қутулиб олиш иули борми? Йўққа ўхшайди. Чунки, бунга энди дадаси аралашди. Аралашибгина қолмай, тўғридан-тўғри уни ўтириб ишлашга мажбур қиласапти. Қунига у ўғлининг мактабдан қайтишини пойлайди. Сал кечикса, тергайди, бирон соат уни ўйинга қўйиб беради. Илгари бўш қолди дегунча, чойхонага, клубга югурадиган Нурмат ака уғли туфайли уйга кириб қолди.

Рашид ўз бўлмасида мук тушиб ишлаб ўтиаркан, тоҳ-тоҳ юраги хаприқиб кетади. Айниқса, кўча деразасидан болаларнинг ўйин-кулги билан чувиллашган овозлари эшитилганда, «кўринмас одам» бўлиб улар олдида пайдо бўлгиси келиб қолади. Адаси ўтирган уйга сеқин мўралайди. Адаси газета, журнал ўқиб ўтириб пинакка кетган бўлса, сёёқ учida кўчага «қуён» бўлади. Баъзан буни сезиб қолган адаси: «Эгаси минг пойласин, уғри бир пойласин», деб хуноб бўлади. Кўчадан Рашидин индамай-синдамай етаклаб келади-ю, дарсхонасига киритиб, устидан танбалаб кўяди. Хулласи, Рашид учун кўп «азобли кунлар» келди. Жавлонхўжанинг ҳужрасида қамалиб ётганидан баттар бўлди бу. Қачон адасининг отпускаси тугайди-ю, бу «азоб»дан қутулади. Ада-

си йилига отпускасида у ёқ-бу ёққа дам олгани кетгучи эди. Ўтган йили ойисини ҳам олиб кетувди. Ўшандада Рашид учун тўла озодлик кунлари бўлган, хўб мириқсан экан, ҳозир жуда қадри билинди-да. Хуллас, Рашид қанча қийналиб бўлса-да, мақолани битказди. Унга «Менинг бобом» деб сарлавҳа қўйди, адасига ўқитиб тузаттирди-да, редакцияга почта орқали юборди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтгач, уйга Рашидни сўраб бир йигит келди. Уни Нурмат ака кутиб олди. Рашидда нима иши борлигини сўраган эди, йигитча уятчан экан, айтольмай турди.

— Айтаверинг, тортилманг, укажон,— деди Нурмат ака ҳавотирланиб.— Нима гап, ўғлим тагин бирон но маъқул иш қилиб қўйдими?

— Йўқ, амаки, ўғлингиз яхши иш қилди,— деди йигитча Нурмат акани хотиржам қилиб.

У «Гулхан» редакциясидан келибди. Рашид юборган мақолани ўқиб кўришибди. Мақола жуда маъқул тушибди-ку, унга баъзи қўшимчалар керак бўлиб қолибди.— Рашид бобосининг инқилобий ишлари ҳақида яхши маълумотлар келтирган, қизиқиб ўқилади. Уни байрам сонида босмоқчимиз. Аммо, ўғлингиз мақолада ўзи хусусида ҳеч нарса демабди-да. Сўзсиз, журналхонларимизда: бобоси унака бўлса, набираси қандайкин, деган савол туғилади, Рашидинг ўқишлиари, пионер ишларини билиб олишга қизиқишиади. Ана шунинг учун ўтган ҳафтаёқ Рашидга «Бир келинг» деб хат ёзиб юборувдик. Дараги бўлмади...

— Ҳим, тушунарли, йигитча, тушунарли,— деди ҳавотирдан қутулиб Нурмат ака.— Дарҳақиқат мақоланинг шу ёғи чала бўпти. Шу ёғини ҳам кўрсатса дуруст, мукаммал бўларкан. Рашид хат олган бўлса, нима учун менга ҳеч нарса демадийкин?..

Нурмат ака, ўғли билан албатта гаплашажагини, тез кунда редакцияга хабар етказажагини айтиб, йигитчани ишонтириб жўнатди.

Рашид келиши билан адаси редакция хатини сўровди, Рашид олганини яширмади. Фақат нима деб жавоб ёзишга боши қотиб юрганлигини билдириди.

— Нима деб ёзишингни аниқ айтди-ку. Үқишиларинг, ишларинг...

Рашид буни яхши тушуниб турарди. Бироқ мақола ёзгандан кейин арзийдиган нарсаларни ёсса тузук-да. Қандай қилиб «уч» баҳолари билан мақтансин. Пионер ишларидан қайси бирини дўндириб қўйибдики, керилсин. Ёки «бундан кейин ундоқ қиласман, мундоқ қиласман» деб нуқул ваъдаларни рўкач қиласинми? Насия гапнинг кимга ҳам кераги бор. «Қуруқ гап қулоққа ёқмас» деганлар-ку...

Рашид ўз бўлмасида бобосининг суратига тикилиб, ўйга ботди. Ҳаёлида у билан сўзлашди: билиб қўйинг, бобожон, набирангизнинг аҳволини. Илгари ҳеч нарсани ўйламасди. Фам нималигини билмасди. Кўнглининг кўчасига келган нарсани қайтармасди. Ҳозирчи, ёш бошига ташвиш кетидан ташвиш. Ҳамма менга тикилганитиклигтан, тергагани-тергаган. Ўзи еттинчи синф ўқувчи-си бўлиш шунаقا қийинми-а! Кундалик ўқишининг ўзини ёлчитиш қанча оғир-ку, устига-устак сиз ҳақингизда мақола талаб қилганларини айтинг. Сиз ҳақингизда ёзиш қандай масъулиятли иш эди. Бунинг учун юрак керак эди. Қилган ишларингиз, курашларингизни жин-даккинасини, ўндан бирини ёзиб кўрсатолдимми-йўқми, билмайман. Шу ҳам осон бўлгани йўқ, адам ёрдам берди. Кошки, бу билан қутулган бўлсам. Қайтага бошимни фалвага қўйдим. «Қани айтинг-чи, пионер Рашидвой, ўшандоқ машҳур инқилобчи бобонгизга, илгор темир-йўлчи отангизга муносиб иш қиляпсизми-йўқми?» деб сўроқ қилганлари ортиқча бўляпти!. Ҳаммасига ўртоғим Рустам айбдор. Эҳ, Рустам, мени шунча ташвишларга қўймасдан, мақолани ўзинг ёзиб бора қолганингда-ку, олам гулистон эди-я!..

* * *

Набира саргузаштлари. Сўз боши Т. Қо-
зоқбоевники — Т., «Ёшгвардия», 1978.—112 б.
Приключения внука. Повесть.

Уз 2

Для детей среднего и старшего
школьного возраста
На узбекском языке
ПРИКЛЮЧЕНИЯ ВНУКА

Повесть

Издательство «Ёш гвардия»— Ташкент — 1978.

Редактор С. Барноев

Рассом А. Холиков

Расмлар редактори Қ. Алиев

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректор М. Набиева

ИБ № 190

Босмахонаага берилди 7/XII-1977 й. Босишига руҳсат этилди
21/III-1978 й. Формати 70×108 $\frac{1}{3}$. Босма листи 3,5. Шартли
босма листи 4,9. Нашр листи 5,13. Тиражи 45.000. Заказ № 2203.
Баҳоси 20 т. Қоғоз № 1. Р-12381.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 115—77.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил
Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока»
кўчаси, 26.